



Исмоил Тўлаков

Яшил сабо

Шеърлар

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти
1989

УЗ 2
Т 96

Т $\frac{4702620202-93}{M352(04)-89}$ 38-89

ISBN 5-635-00337-0



* * *

Ўтиб юртнинг қанча бекатларидан,
ис олиб қирларнинг кўкатларидан,
завқланиб тонгларнинг этакларидан,
тутиб устозларнинг этакларидан;
туркона лисонда сўзлаб чиққанман,
қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

Пана-паналарда турган эй ғаддор,
фисқу фасодингдан юрагим абгор,
айтгил, ғайирликдан сенга не наф бор?
Қарвонман. Ҳуришинг бари бир бекор.
Ғаниммас, содиқ дўст излаб чиққанман,
қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

«Қайтиш йўқ бу йўлда. Фақат олға бос».
Бу гап боболардан ёлғиз бир мерос.
Тушмаскан қадамим қадамларга мос,
менга бу йўллар берк, манзил беркдир, бас...
Супургимас, созни созлаб чиққанман,
Қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

Дунёда тенгсиз куч, халқим, қаҳрингдир,
Топганим қаҳрингмас, меҳри баҳрингдир,
Қалбимнинг дармони сўзинг — наҳрингдир,

Интилган ошёним танҳо бағрингдир.
Эзгу ҳисларингни бўзлаб чиққанман,
қутлуғ манзилларни кўзлаб чиққанман.

ОҚ ТОНГЛАР ОТАР...

Ҳали кўп бор оқ тонглар отар,
кўп бор мағлуб бўлар кечалар.
Кўзларингга юлдузлар ботар,
кўзларингдек порлар кўчалар.

Ҳали кўп бор ғолиб қелар тун,
булутлар ойингни яширар.
Орзунгдаги ўшал порлоқ Кун
эртактаги чолдек яшарар.

Биз ҳам яшарамиз дафъатан!
Ланг очганча
кўкрак қафасимизни
лолазор қирларга чопамиз,
ҳозирги ёшларга нисбатан
сал чуқурроқ олиб нафасимизни...

СЕВГИЛИМ

Юнонларнинг
тошдан тикланган
улкан эҳромига боқаркан,
асрларнинг
тошларга кўчирган
ғамларин эмас,
асрларнинг

тошларда кечирган
дамларин эмас;
кўзларингни кўрдим,
қадим юнон эҳромларидек
соғинчдан ичиккан кўзларингни,
севгилим...

Х О Н А

Бу хонада
совуқ бир чирой
салтанати ҳукмрон эрур.
Ноёб буюмларга
ҳойнаҳой
қўл излари тушмаган бир қур.
Афсонавий боғи эрамдай
бунда
ҳамма нарса саришта.
Соҳибаси юрмас одамдай,
ўлтиради мисли фаришта.
Яшаш шавқни ила ўй сурган
одамлардан кўра у,
шундоқ
сукутгоҳда муаллақ турган
оч арвоҳга ўхшайди кўпроқ...

Мен ўйлайман,
ойналарни синдирса шамол,
эшикларни
ланг очиб қўйиб
токчаларда хурсанд, бемалол
гул бўйлари қийқирса тўйиб.
Мен ўйлайман,
озод бўлса шу совуқ даргоҳ

Ўлик сукут қилғилиғидан.
Жарангласа шифтлар баногоҳ
чақалоқнинг қийқириғидан...

* * *

I

Юртнинг кабирлари,
юрт кабирлари,
сиз турган жойлардан
кўриняптими
ўзбекнинг бепоён
дала-қирлари?
Толлар имдодини
тингладингизми?
Гулларнинг дарди не?
Англадингизми?
Ўзаларнинг ҳоли не кечди?
Нечун қушлар
бу юртлардан
бемаҳал учди?
Қалбнинг фарёдларин
кўтарган шамол
пойингизга йиқилди беҳол
кўкси волаларга тўлган бевадек.
Кўкси болаларга тўлган бевадек
шитоб-ла интилиб келар сиз томон
Орол соҳилидан қувилган қушлар...
Бир лаҳза бўлса-да,
ўйлантирдими
мунглуғ табиатнинг
сабурлари?
Наҳот титратмади
юрагингизни
тафаккурнинг бу жабрлари?..

II

Юртнинг кабирлари,
юрт кабирлари,
сиз турган жойлардан
кўринган бўлса,
ўзбекнинг меҳнаткаш
дала-қирлари,
наҳот шохлардаги
эрта сарғайган япроқ
ёдингизга солиб тилла чақани,
кўзингиз ўнгида
айланди халққа?!
Бемор далаларнинг
аччиқ фарёди
бахтиёр қўшиқдай
қулоғингизда
ажиб бир жаранглар
қолдирди наҳот?..

III

Юртнинг кабирлари,
юрт кабирлари,
мансаб басир этса,
нафс асир этса;
қалбни қиса борса
шуҳрат тўрлари,
шарбатларга тўла
боғлар қўйнида
кўпайса
қузғуннинг ялоқхўрлари,
сизлар жим турсангиз,
бир четда юрсангиз,
кўра туриб
кўзларингиз кўрмаса,

сўрай туриб
 сўзларингиз сўрмаса,
тилингиз
 қалбингиз измида
 бўлмаса;
маломат тошидан кўкси яра эл
кимга дардларини очади бугун?

IV

Юртнинг кабирлари,
юрт кабирлари,
орттирган гуноҳу савоблар учун
кун келди —
ҳақиқий ҳисоб берар кун!

ДАВРАДА...

Даврада фозилмас, ёмонлар кулса,
ростлар маъюс қолиб, ёлғонлар кулса,
боғда булбул эмас, қобонлар кулса;
лахта қони оқса баногоҳ Ҳақнинг,
шоир қайда, деб сўрар бу халқнинг.

Ҳайратнинг соҳили қуласа ногоҳ,
халқига тош отса қайсидир суллоҳ,
бундан ортиқ сенга бормикан гуноҳ;
қалбнинг туб-тубидан узилиб бир оҳ,
шоир қайда, деб сўрар бу халқнинг.

Мунғаймай, қаддингни баландроқ кўтар,
умр тоғ сойидек шиддатли ўтар,
лоқайдлик сангини тагидан қўпар,
эл сендан ҳақиқий қалб сўзин кутар;
унинг тилларида бут бўлсин номинг...

УТТИЗ ЕТТИ

Сўзда эмас,
баъзан рақамда
қалбларнинг тарихи
ётади пинҳон.

...Ўттиз етти.

Сабр сўнгги нуқтага етди.
Бу бағри кенг олам,
қалби тор жаҳон
даҳоларни чавақдай ютди;
гоҳ ошкор,
гоҳ пинҳон,
гоҳ танхо ютди.

...Ўттиз етти!

Менинг қасосим йўқ рақамда!
Менинг асосим йўқ
рақамда
гуноҳ деб
фикримни айтмоққа қатъий.

Ҳурматли рақамлар,
мени кечиринг,
Ўттиз етти
ёдга тушганда ҳар он
қалбнинг туб-тубида
уйғонар Исён.
Бу шахсий қудурат,
шунчаки гина,
шунчаки ноҳақлик қолдирган дардмас.
Қўз олдимда ўзидан-ўзи,
Ҳақнинг тераклари эгилган каби
рақамлар
қайишиб кетар аянчли.
Ўттиз етти рақамидан сўнг
кетганларнинг кўзи

ноллардек тизилиб боради,
йўллардек чўзилиб боради...

Ўттиз етти

ортдаги нолларни кўрганда,
саф тўла йўлларни кўрганда
инсондек эзилиб боради,

эзилиб боради.

Армондек узилиб боради,

узилиб боради.

...Ўттиз етти!..

Рақамларда қалб йўқ,

деган сўз ёлғон.

Рақам — инсон.

Рақам — имон.

Рақам — виждон.

Рақам...

...Ўттиз етти!..

Сўзда эмас,

кўпроқ рақамда

қалбларнинг тарихи

ётади пинҳон...

* * *

Суйганим — кўзларинг,

куйганим — кўзларинг,

бир кун кўзламаса —

дея қўрқаман

ўзгалар кўзларин.

Суйганим — кўзларинг

суйдира суйдириб,

куйганим — кўзларинг

куйдира куйдириб,

кулдира кулдириб,

гул каби сўлдириб;

ўзгалар бахтини тўлдириб,
бир кун ўлдирмаса
дея қўрқаман...

Сочинг дорим бўлар ўшанда,
қуёш зорим бўлар ўшанда,
сен қадам ташлаган гўшанга
оқ мозорим бўлар ўшанда.

«ХҲР ҚИЗ»

1

Ушда
Сулаймон тоғ этакларида,
кездим, топмак учун
йўқотганимни,
қадимий ҳур қизнинг
эртакларидан.

2

Маст бўлгандай
муҳаббатнинг
чоғирларидан
қизғалдоқлар
сармаст-сармаст
айланар бошлар,
бош урганча
қояларнинг
бағирларида.
Ғор устига
келганида
ногоҳ ҳайратдан,
тўрғайларнинг
юраклари
ёрилиб ўлар.

Майсаларни
бахши айлар
хур қиз савдоси.
Савдойидек
тентирайди
тоғлар сабоси...

3

Ҳар баҳорда
ғор оғзида
кўксини доғлаб,
«Хур қиз» дея
нидо қилар
сармаст лолалар.
Ҳар баҳорда
хур қизларнинг
васлини чоғлаб,
«Хур қиз» дея
садо қилар
кўкда жолалар.
Ҳар баҳорда
ғор оғзида
белини боғлаб,
«Хур қиз» дея адо бўлар
шоир болалар...

4

«Хур қиз» дедим,
гумбазлардан
садолар қайтди.
Бу эртакни
соғлар эмас,
адолар айтди.

Асрларким,
хур қизларин
васлини кутган,
муҳаббатнинг
йўлларида фидолар айтди...

МЕН ТУҒИЛГАН ҚИШЛОҚ

Мен туғилган қишлоқда
бутазору янтоқзору
ва бошқа «зор-зор»лар
пахтазорга айлантирилган.

Мен туғилган қишлоқда
сурувларга кенг яйловлар йўқ.
Беркинмачоқ ўйнамоққа
бутазорлару
сандиқларни оқизмоққа
асов сойлар йўқ.
Лек бутазор орзумандию
Тоҳир каби оқмоқ истаган
хаёлкашлар бор.

Мана шу далалар бир замон
тўқаю йиртқицзор бўлгани ҳақда;
бетон қафасларда
билтанглаб оқаётган
мана шу сой
отларни оқизиб кетгани ҳақда
қексалар бисотида
ҳайратомуз эртаклар бисёр.

Болажонлар,
эртакдаги ғаройиб макон
борлигига келтиринг имон.
Дунёнинг энг олис бурчида

тўқай даҳоларин ваҳшийлигидан
жон олдириб қўйган оналар
жажжи болаларига
армон тўла эртақлар сўйлар:
«...Дунёнинг энг бахтли бурчида,
 энг сокин бурчида,
 энг тўкин бурчида
тўқайлар ўрнида
пахтазорлар барпо этилган...»

Тушларига кирар
болаларининг
кўм-кўк ғўзаларнинг
оқ мевалари...

Мен туғилган қишлоқда
бутазору янтоқзору
ва бошқа «зор-зор»лар
пахтазорга айлантирилган...

И Л Т И Ж О

Дўстлар хиёнати мени чўктирди,
кўксимдан зардобли қонлар тўктирди,
алиф қаддим бевақт эгди, буктирди;
эгилган мен эдим,
эзилган сен-ку,
айтгил,
 нима бўлди,
 юрагим?

Недандир аламинг, недан фарёдинг,
оламни тутгудек ингроғинг, додинг,
қайғуси эздими дўсти ношодинг;
эгилган мен эдим,

эзилган сен-ку,
айтгил,

нима бўлди,
юрагим?

Иўллар олдиндадир, тиккадир довон,
мен-ку, ожиз бўлсам, қолсам нотавон,
сен баҳри умиддан излагил имкон;
дўсти содиқ ўзинг,
ҳозик ўзинг-ку,
айтгил,

нима бўлди,
юрагим?

Фитнаю бўҳтонлар бариси ҳечдир,
ёвузлар менгамас, оҳ, сенга ўчдир,
икков мағрур турсак режаси пучдир;
ёлғиз обид ўзим,
собит ўзинг-ку,
айтгил,

нима бўлди,
юрагим.

СЕНИ АРДОҚЛАГИМ...

Сени ардоқлагим, ёқлагим келар,
таъна тошларидан сақлагим келар.

Қимсасиз жойларга келар яширгим,
сени авайласам гўё яшаргум...

Лек йўлинг кутмоққа ҳаққим йўқ ҳатт
қўлингдан тутмоққа ҳаққим йўқ асло...

Ҳар қандай таъқибу ҳар қандай қонун
таъқиқ этмасинлар, бекор мен учун.



Ёстиқдошинг аччиқ сўзлар айтганда,
дардингдан беҳабар ухлаб ётганда,

киприкларинг узра қўнарман аста,
кипригингдан қалам йўнарман аста...

...Сени ардоқлайман, ёқлайман шеърда,
маломат сангидан сақлайман шеърда.

БИР-БИРИМИЗНИ СЕВАМИЗ

Ҳақиқатни очиқ айтаман:
бизлар бир-биримизни севамиз!
Шундай бир туйғу-ла севамизки,
гўё ошкор этсак
ўз қадрини йўқотади
муҳаббатимиз.

Бир чақмоқ қандини
тил остига эмас,
бағрига босган
гўдакдай
дилларда асраймиз
муҳаббатимизни.

Гўё ошкор этсак,
ўз рангини йўқотади япроқлар.
Дунё
тул қолган гўзалдай
маъюслашиб қолади гўё.
Ошкор этсак,
баҳор баҳорлигидан,
куз эса кузлигидан,
кўзлар-чи, кўзлигидан,
муҳаббат ўзлигидан
айрилиб қолади...

Бизлар бир-биримизни севамиз!
...Бағрингизни очинг, қумрилар.
Бағрингизни очинг, лолалар.
Қани, Сиз ҳам
бағрингизни очинг,
бир ошиқ мисол,
ҳей, кекса жаҳон.
Муҳаббатимизни,
ёлғиз Сизга ишониб,
элтмоқдамиз
қалбингиз томон!

Бизлар бир-биримизни севамиз.

ҲАТТО...

Гулзорларни кездим.
Тополмадим гул.
Узиб кетишибди қолдирмай буткул,
мен севган гулларнинг
тиконларини.

Иси йўқ,
такаббур гуллар амри-ла,
ҳатто
булбул ўзгартирмиш лисонларини...

Севгилингга
ёниқ хонишлардан
портлаб очилмаган гулларни
совға этишдан
оғир гуноҳ йўқ...

...Севган гулларин
тополмаган қалб

Энг муносиб совға,
Энг қутлуғ совға
муҳаббатга ташна дилларга...

* * *

Ақл қолиб,
бурнингиз-ла
шеър ўқиркансиз...

Қанча эшикларга қисилавериб
носқовоққа айланган бурун
оч қобондай
нафис-нафис сўзларнинг,
ўйчан-ўйчан сўзларнинг
кўксини ёрар...

Лаззатлар оласиз
бекорларга оққан
сўзлар хунидан.

Шеър исковчи бурнингизни
тортингиз,
йўқса,
кундангизга бош қўймаган
тирик сўзларим
муштга айланмоқда,
каттакон муштга...

Ч У Л П О Н

1

Қимларга отмоқда давр тошини?
Бўронлар пойида тафаккур синиқ.
Туманли сўқмоққа бурган бошимни
ёлғиз сўзим қалбим тубида ёниқ.

Ҳарорат изладим ўшандан тунлар,
талпиниб яшадим танҳо ул нурга.
Кўксимда эзилиб йиғлади хунлар,
эзилиб йиғлади шодлигим бирга.

Нима деган бўлсам — меники бўлди,
тонмадим: қалбимнинг байроғидир сўз.
Сўз деб кечалари гул каби сўлдим...

Элимнинг олдида бутундир бағрим.
Ҳақиқатни дангал айтмоқ галини
сенга беражакман шеърим — жигарим.

2

Мендан дўстлар тонди, шамоллар тонди,
ёлғизлик ўтида, оҳ, ёмон куйдим.
Лекин қалб тубида бир шуъла ёнди,
ундан юртнинг олис куйларин туйдим.

Кўксимга босдим у дардли созимни,
элимга топшириб ҳукми бутун,
қалбим тубларига отдим ўзимни,
булоқдек кўз очмоқ аҳдида бир кун.

Жаҳолат занжирин парчалаб, узиб,
бир кун ўз қалбимдан чиқарман сизиб,
созидан айрилган созимни созлаб...

Душман-ку, лошини алмашар пинҳон,
ёлғонни пуллаган дўстлар-чи, шу он
ўзни қўярга жой топарми излаб?..

3

Кўксимдаги эзгу ишқнинг исёни
етаклади мени Ҳақнинг жангига.

Аросатда турган ҳуркак дунёни
бўямоқ истадим Шеърнинг рангига.

Ҳайқирдим, чорладим, йиғладим гоҳо,
дилда неки бўлса тўқдим борини.
Қалб билан юзма-юз қолганда танҳо
кўпроқ куйга солдим Шарқнинг зорини.

Мунгли созларингни синдир дедилар.
Менда не гуноҳдир. Ахир ул замон
элим мунглуғ эди, мунглуғ эдилар...

Наҳот унутдилар, нақадар оғир,
шуҳрат ялоғига интилган зотлар
эли йиғлаганда кулмасин шоир...

4

Бир оз кеч. Англадим лекин замонни.
Давр қадамига созни созладим.
Сарбаст сатрларда куйлаб жаҳонни,
муҳаббат бобида рости бўзладим.

Бўзладим, фалакда бўзларим қолди.
Сўзладим, қоғозда сўзларим қолди.
Қўлдаги таёғим қадим бир найдир.

Дунё сен билгандан кўра ўзгароқ,
нисбат оламида ҳар не нисбийроқ.
Яхшию ёмонлик қутблари, воҳ,
шайнсиз тарозга ўхшайди кўпроқ.

Очгил юрагингни каттароқ, ўғлон,
ғафлат тузоғида қолма беимкон,
маломат санглари сенга ҳам шайдир...

СУРБЕТГА

Бир оз сипо тутиб ўзингни,
сақичдай чайнайсан сўзингни.

Мақсадни чирмайсан, чирмайсан,
ҳеч бир аямасдан бўзингни.

Аввал яшир сендан бесўроқ
сиринг фош этувчи кўзингни,

кейин безрайтириб юзингни
чайнайвер сақичдай сўзингни...

★ ★ ★

Қўй, оғайни, ураверма дўқ,
Ҳақиқатнинг тоғига чеккин.
Бировларга ёмонлигим йўқ,
ўз йўлимда боряпман секин.

Шошиб турган бўлсанг ўтақол,
мадад десанг чўзай қўлимни.
Қерак бўлса жоним бемалол,
фақат тўсма, тўсма йўлимни.

ОНА ТИЛИДАН ҚУШИМЧА ДАРС

Гап — оила.

Ота-она — эгаю кесим.

Иккинчи даражали бўлаклар —
армонларнинг рўёби — фарзанд.

Улар тортар гоҳ отасига, гоҳ онага.

Эгаси яшринган гаплар ҳақида
ҳеч бир асос йўқдир таънага.
Оталикни уддаласа,
марҳамат, келсин.

Тақдирга тан берган мардона тулдек,
сўниб битган илк севги учун,
шикоятсиз,
нафақа кутмай,
фарзандларни бошқарар Кесим...

Дарсимизга ясаймиз якун:
гап бўлиши мумкин экан Отасиз,
лек Онасиз ҳеч вақт, ҳеч қачон...

* * *

Еллар уйғонади
оҳимдан.
Айрилдимми сендан —
моҳимдан.
Кечикдингми, ёки...
Кутаман.
Фақат кечсанг бас
гуноҳимдан.
Еллар сочларимни
ўйнайди.
Бир менмас, кўк сени
ўйлайди.
Саболар бўронга
айланиб,
васлига чоп дея
қўймайди.
Семурғдек учмоққа
куч қани?

Уфқда қуёшнинг
Ўт — қони.
Қўзимга сачрайди.
Қўксимни
босаман тупроққа
ўксиниб...
Чопаман. Йўлларим
унмайди.
Енаман. Сўзларим
ёнмайди.
Бу аччиқ шаробни
ичаман,
юрагим қонмайди,
қонмайди...
Еллар уйғонади
оҳимдан.
Айрилдимми сендан —
моҳимдан...

ЗАРДОБИНИ ИЧУРМАН...

Зардобини ичурман Туннинг,
Тонг гулоби насибдир сенга.
Қутлуғ бўлсин фараҳли Кунинг,
бошқа толе керакмас менга.

Сочларингдек узун кечанинг
чилвирлари занжир бўйнимда.
Қўзларингдек сузгун кечанинг
оппоқ хаёллари қўйнимда.

Оқ каптардек титрайди бирам;
юрагимда эрир волалар.
Қўк ҳолимга кулади шу дам,
кўзларида юлдуз — жолалар.

Туннинг зардобини ичурман,
сенга асраб тонг гулобини;
ўзга шодликлардан кечурман,
танлаб ишқинг изтиробини.

Сиёҳ тундан йўнурман қалам,
сен очурсан тонг дафтарларин;
мунислашиб кетади олам
парвоз этса шўх каптарларинг.

Парвозлар-ла эрурман сармаст,
кўнгил йироқларни қўмсайди.
Қафтаримга юлдузлар эмас,
ўшал каптарларинг қўнсайди...

М А Н З А Р А

Тун замин кўксига сочилиб кетган
сочларини йиғиб оларкан,
уятдан

юзлари

бўзарар...

Майсалар, сўқмоқлар, сойлар лабида
ял-ял товланади бўсалар.

★ ★ ★

Ойга боқдим, ойларга боқдим,
Ой чўмилган сойларга боқдим.
Сой тубинда ётган тош экан,
Билолмадим қайларга отдим.

Ойга боқдим, ойларга боқдим,
Тоҳир каби сойларда оқдим.

Қай соҳилга отди тўлқинлар,
Ой чиқмади, кун каби ботдим.

Ойдек бўлиб чиқсанг нетарди,
Кундек кулиб чиқсанг нетарди,
Бахтдек тўлиб чиқсанг нетарди.
Етишганлар каби бу юрак,
Ёлғиз сени куйлаб ўтарди.

Ойга боқдим, ойларга боқдим,
Ой чўмилган сойларга боқдим.
Ўзга ойнинг кўксида охир
Муҳаббатим ўтларин ёқдим.

Ойга боқдим, ойларга боқдим...

СЕН КЕТГАН ЙЎЛЛАР...

Сен кетган йўлларга интиқ қарайман,
кўз нурим уруғдек бир-бир қадайман.

Йўлларда чечакмас, тўзар тупроқлар,
тупроқдан кўкларга сузар фироқлар.

Қарорим қатъийдир: изингда сўлим —
гуллар ундирмоқдир бу кеча, Гулим.

Уруғга сув керак, алҳол илғадим,
лек кўз ёшим тупроқ, чангни йиғладим.

Ўзанлар ёқасин йиртган сой қани?
Булутлар қаърига чўккан ой қани?

Абрлар, ёр кетган йўлга ёғилгин.
Уруғлар, кўксимда очил, ёрилгин.

Фалакда жоламас, ёғилади чўғ,
кўзларимнинг эса қатра ёши йўқ.

Унмас уруғларга дардли қарайман,
сени олиб кетган йўлни қарғайман...

КАТТА ҚОРЛАР...

Катта қорлар тушди Анжонга,
ернинг қобирғаси кетди қайишиб,
Ором бермоқликни пайтимас жонга,
юрт далага чиқди жома кийишиб.

Андижонга тушди катта қор,
лекин бу бўлмади элнинг ташвиши.
Қор остида мададга зор-зор
бел буккан ғўзага шошди ҳар киши.

Жонингни солмасанг қийноққа бунча,
пахтанг ардоқлими, халқим, ўзингдан.
Ортингга қарагин,
қўлда тугунча,
боланг ҳам қор кечиб борар изингдан...

Катта қорлар тушди Анжонга.

МАСЛАҲАТ

Телбаман деганни кўрмадим асло,
ўзин камситмайди, санайди доно.

Ақлдан мўл, арзон бирон нарса йўқ,
Ишга қўл урдингми, кўнглинг бўлсин тўқ,

бир ақлли келиб, буси маъқул дер,
бири бу ишингиз, укам, бир пул дер;

бири ускунангдан хато топади,
бирови очганни бири ёпади.

Бўғилмагин асло, асра асабни,
навбат-ла қўлларга тутгил асбобни,

сўнг ўзингни тутиб бир четда ниҳон,
кузатгил «уста»лар ишини обдон.

Гарчи улар тўнка, калла қовоқдир,
хатолари бизга ахир сабоқдир.

Ҳақу ноҳақдан тенг олиб сабоқни,
ўзинг сол ўзингга маъқул равоқни.

Демагин сиз ноҳақ, бизлар-чи, ҳақмиз,
чунки арқонни кенг ташлаган халқмиз...

ШАМНИНГ ЁРУҒИГА...

Ширин азобингни тутмадинг дариғ,
чақмоқтошдек ўтлар ёқдинг бошимда.
Шамнинг тилларидек вужудим сариғ,
шамнинг ёруғига келгил — қошимга.

Эртаклар сўйлама. Майли, жимгина —
усрук кўзларингни тикиб турсанг, бас.
Менда қудурат йўқ, менда йўқ гина;
сен ичган ҳаводан оляпман нафас,

шунинг ўзи тенгсиз бойликдир, инон,
зотан, бир висолга тикдим жонимни,
жон эса ёнмоқда ўтингда чунон.

Яқинроқ кел ўтга, гуноҳингни от,
гуноҳ алангасин ёлқини, жонон,
бағишлар бизларга чинакам ҳаёт...

ТУРАВЕРСАНГ

Тикиб тураверсанг кўзингни,
атиргуллар айланар аниқ
излаганинг — муқаддас Сўзга.

Тикиб тураверсанг кўзингни,
айланади ўйчан мажнунтол
сен орзиқиб кутган ул қизга...

...Тикиб тураверсанг кўзингни,
атиргуллар сўлиши мумкин,
айланмоғи мумкин юлдузга.
Тикиб тураверсанг кўзингни...

ИЛДИЗГА АЙЛАНДИ...

Қанча сувлар қуйди бўйра остидан,
оқиздилар ҳатто дайра остимдан,
Маломат санги-ла босиб устимдан,
ташламоқ бўлдилар мени камарга,
аммо етолмади бирон самарга.

Чўкдим, туравердим оёқни тираб,
ўпқонлар ташланди, қаддимни бураб.
Илдизга айланди вужудим, ё раб,
турибман кафтимда юрак, бемажол
гуллари кўтарган нилуфар мисол.

БҰРОНДАН КЕЙИНГИ ШАБАДА

Бўрон.

Дарахтларнинг синди шохлари.

Ниҳолларнинг томирлари

ётар чўзилиб.

Булут,

фурсат топиб,

бўшатди бағрин.

Парча вужудларнинг

парча оқлари

муаллақ туради

кўкда сузилиб...

...Дарахтларнинг яраларини,

бўрондан кейинги ҳуркак шабада.

Мисли жанггоҳдаги ҳамшира жувон

авайлаб-авайлаб силар меҳрибон...

АРМОНИМНИНГ ТУТҚУНИ

Сен менинг Севинчим,

ширин Ҳасратим.

Ўзгадан қизганиб

қалб қатламларида

асрадим.

Армонимнинг эзгу тутқуни,

нилуфардек қорачиғимдан

очилич чиқасан бир куни.

Содиқ киприклардек

қўриқлайман

сени то абад.

СЕНИ ҚУЙЛАМАҚ УЧУН...

Гулим, сени куйламак учун
шабаданинг тиллари керак,
атиргулнинг диллари керак.

Гулим, сени ўйламак учун
далаларнинг хаёли керак,
дараларнинг саволи керак.

Гулим, сенга уйланмак учун
кўксимдаги мана шу юрак
баргдек нозик бўлиши керак...

О Ж И З Л И К

Кимки хотирини тикламоқ бўлса,
чимларга кўксини босганча ётсин.
Замин лабларидан олсин-да, бўса,
юзларига юзини боссин.

Хотиралар от суриб чиқар,
қаро ернинг чуқур бағридан.
Ожизлиги қулдек тиз чўқар,
чанқоғини қондирмоқ учун
Хотиранинг зилол баҳридан.

Лаби сувга тегиши билан
ўзлигини ичиб қўяди
Мурғаккина шўрлик Ожизлик...

И Л Т И Ж О

Гулим, олиб ташла, илтимос,
ҳеч бўлмаса, мен келган чоғда,
хушомадгўй балдоқларингни.

Юрагимнинг қийноқларини
чаппасига таржима қилиб,
алдаяпти қулоқларингни.

Гулим, олиб ташла, илтимос,
ҳеч бўлмаса мен келган чоғда
хушомадгўй балдоқларингни.
Ошкор этиб қўймоқда, эвоҳ,
нозларингнинг айғоқлигини,
сўзларингнинг алдоқлигини.

КУТИШ

Узун кеча
киприк қоқмасдан
чироқларим пойлар йўлларинг.
Эшикларим эса соғинчдан
икки ёнга отган қўлларин.
Ғижирлаб кетади
интизорликдан
деразамнинг ҳатто рахлари...

Сени афсунига банди айлаган
муҳаббатнинг алдов роҳлари.
Имою оҳимга бепарво
тақдирингга қарши кўтариб исён,
сен учун мутлақ ёпилган эшик
зулфинини қоқасан ҳамон...

АНДИША

Узоқ ўлтирамиз.
Эсноқдан
қайишиб кетади чаноқлар.

Бизни бир Андиша эзмокда.
Бир Ҳукм бағримиз чавақлар.

«Бас!» деган ҳайқириқ қотган бўғизда,
портламоқ шаштида қадалар кўзлар.
Биз эмас, зерикиб кетди-ку, валлоҳ
арқондек чўзилган, узилган сўзлар.

Ўртамизда гапнинг уюми,
бир-бировни кўрмаймиз ҳатто.
Лек навбатни ўтказмай қуруқ,
янгисини айлаймиз ато.

Ичда қолмас,
бари тўкилар,
сўнг икки ён соламиз излар.
Ортимиздан маъюс тикилар
хазон каби увишган сўзлар...

Г У Л И М

Юрдим кўчаларда, тентираб юрдим,
ўзимни кечанинг қўйнига урдим,
ўзим-ўзим билан суҳбатлар қурдим,
ёлғизлик дардини, оҳ, ёмон сурдим,
қайда қолдинг, Гулим,
қайларда қолдинг?

Бошимга тушганда санги бўҳтонлар,
йўлда ғов бўлганда иблис, шайтонлар,
гоҳо голиб келиб қалбда гумонлар,
ғафлат соҳилида қолганим онлар,
қайда қолдинг, Гулим,
қайларда қолдинг?

Шодмон кунларга ҳам етиб келдим мен,
кўзда ёш, ич-ичдан тўйиб кулдим мен,
юртда аттор эмас, шоир бўлдим мен...
Қайда қолдинг, Гулим,
қайларда қолдинг?

Қ И З Л А Р

Моҳитобон қизлар туш кўрар
Ой тўлишар қучоқларида.
Интизорлик гулхани ёнар
васл уйин ўчоқларида.

Моҳитобон қизлар туш кўрар
оқар дарё сандиқларини.
Ёлғизгина нам болиш билар
юрагининг санчиқларини.

Моҳитобон қизлар туш кўрар
ёзнинг узун кечаларида.
Тоҳирлар-чи, сандиқда эмас,
юрар қишлоқ кўчаларида...

Моҳитобон қизлар туш кўрар.

ТАКРОР

Қирқинчи довоннинг белида туриб,
ортимга қарадим — босган йўлимга.

Кунларим кимнингдир кунига ўхшаш.
Унларим кимнингдир унига ўхшаш.
Севинчим — такрор.
Соғинчим — такрор.
Хатто кўз ёшларим такрорлаб қўйган
бир-бирларини...

Жарлик ёқасида турган бир бола —
турибман
кўксимни чангаллаганча.
Танглайимга ёпишган «Наҳот!»
бўғзимни бўғади каттариб.
Мия соҳилида сарсон бир нажот:
«Босиб бўлармикин йўлни қайтариб...»

...Майли,
(чўққилардан умидим катта)
баҳорим
кимнингдир баҳорини
айласин такрор.
Қимнингдир кузига ўхшасин кузим.
Қимнингдир излари бўлсин изларим.
Лекин ўзимники бўлиши керак,
ёлғиз ўзимники,
халқимнинг кўзида
халқимнинг ўзига
айтар сўзларим...

Ю С У Ф

Юсуф, ёлборурман сенга бир сафар,
илтижо ҳайқирган кўзларимга боқ.
Юрагим тоғида ёлғиз бу саҳар
Квазимодо кезиб юрибди уйғоқ.
Ул — тангри қаҳридан етимча бир қул;
қўлу оёқлари мисли саксовул.
Шу мажруҳ вужудга қамалган юрак
бир гўзал оҳунинг ҳуркак қалбига
мусаффо ҳисларин очмоғи керак.
Лекин Эсмиральда қочар кўрган он
шайтонга дуч келган чақалоқсимон.

Квазимодо билар хунуклигин ҳам,
аммо юракдаги муқаддас туйғу
тунлар кўзларига йўлатмас уйқу.
Унга керак эмас ўтли бўсалар;
фақат бир лаҳзага бирга бўлсалар
шунинг ўзи унга толе бир олам...

Юсуф,
куламасин десанг арши аълодан
мажруҳ юракдаги покиза туйғу,
ёлворгил, сўрагил ёлғиз худодан,
бир бор худолигин қила олсин у.
Сенинг жамолингдан милёндан бирин
унга олиб берсин фақат бир кунга.
Кейин, майли элга тарқатсин сирин,
кейин айлантирса майлига кулга.

Севгисини ҳозир очмоғи керак,
сўзлар билан эмас, имолар билан.
Кейин маҳбуби-ла қочмоғи керак.
Яширмоғи керак Муҳаббатни у
хусн бозорининг учарларидан...

Юсуф, ёлборурман сенга бир саҳар,
илтижо ҳайқирган кўзларимга боқ.
Бу чирой асрида қон ютиб саҳар,
Квазимодо сени кутмоқда муштоқ...

СИЗГА

Бу аччиқ гапларим келмасин малол,
қалбимни очишга мажбурман Сизга.
Яшамоқ не ҳожат шиллиққурт мисол,
яшамоқ не ҳожат лаб босиб тизга.
Биз, ахир дўстмиз-ку,
сўнгги нафасда

бел боғлаб туришга ярагувчи куч.
Юракни сақламоқ мумкин қафасда,
тушовлаб бўлмайди, лекин қалбни ҳеч.

Бу тонг кўзингизга термилдим узоқ,
бефарқ тингладингиз тўрғай оҳини.
Бефарқ қарадингиз шудрингларга Сиз,
Наҳот қалбингизни
манфаат йўлида чўтирдингиз тиз.
Ишонмайман.
Йўқ, ишонмайман.
Сиз, ахир дунёга кераксиз.
Дунёга қалб билан қаранг-чи, ўртоқ!

Мен доктор эмасман,
Яшамоқ мумкиндир балки юраксиз,
лек қалбсиз дунёга боқмоққа
ҳаққингиз йўқ Сизнинг.
Ҳаққим йўқ менинг.

Агар сўнаётган бўлса қалбингиз,
мана, ўз қалбимни бераман,
менинг қалбим билан боқинг дунёга.

ТИЛИНГ

Ўқланган милтиққа ўхшайди тилинг,
кучсиз бир ҳаракат унга етади.
Бегуноҳ ва маъсум қалбларни
оддий тунукадек тешиб кетади.

Тилингдан аёвсиз отилган ўқдан
кўксим яра бўлди, дил уйим вайрон.
Сен эса ҳароба деворларидан
қора қузғун каби боқурсан шодмон.

ҲАҚИҚАТ

1

Туманли водийда ҳорғин, бемадор,
нур излаб адашган йўловчи монанд,
умид машъаласин қўтариб баланд,
олис йўлларингга боқдим интизор.

Бардоши битганлар қайтди-ю, секин,
тақдирдан тасалли топдилар бир-бир.
Нотинч юрагимда қадимий, сокин
бир қўшиқ шу лаҳза кўтарди бағир.

Шу қўшиқ шавқида кетавердим жим,
кетавердим олис уфққа томон,
ғўёки юлдузин топган мунажжим.

Бир пайт ортга боқсам, улар ҳам шитоб,
изимдан келарди шошқин ва шодмон;
юрагида Ишонч исмли хитоб...

2

Алдовлардан зада бўлганда юрак,
аччиқ бир туғёнга тўлганда кўксим,
вужуд-вужудимни титратиб сим-сим,
сенинг висолингга ундади Тилак.

Олис шуълаларга тикиб кўзимни,
қанча дарё кечиб, ошдим довонлар.
Сирли маконингга, олиб сўзимни,
еткармоқ бўлдилар учар шайтонлар.

Улар-ку сўзига берганича зеб,
сенинг кошонангнинг остонаси деб,
бошлади ғанимнинг хилватгоҳига...

Қанча алданмайин, албатта, бир кун,
муҳаббат васлига етганда охир,
сенинг ўт бағрингга босурман бағир.

3

Мен олис юртларни кездим пиёда,
турфа одамларга дуч келдим бисёр.
Яхшилар қалбидан тушган зиёдан
йўқотган йўлимни топволдим такрор.

Разиллар роҳимга қўйдилар тузоқ,
риёю алдовдан ясади девор.
Юрагимда ёлғиз сен ёққан чироқ
барини, барини айлади бекор.

Бўю бастинг қандай, кўролмадим мен,
аммо қалбингдаги ўткир забонинг
қасидадек янграр қутлуғ дамларга.

Сендан ўзлигимни сўролмадим мен,
Лек дардкаш экансан ёруғ дунёни
бошида кўтарган ҳур одамларга...

СУЗНИНГ МУҚАДДАСЛИГИ ҲАҚИДА ОИБЕК УЙЛАРИ

1

Шоирлик — сўзфурушлик эмас.
Тирикчиликка
сўзни бозорларга солсанг
қўйдек тушовлаб.
Сўзни семиртириб
худди сўқимдек
нимталаб-нимталаб пуллаган

сўз ялаган
(қон ялаган эмас)
қассоб-шоирларнинг
қанчасин кўрдим.
Ховлисидан
ошланган терининг эмас,
тузланган сўзларнинг
келар ислари.
Қозонида вақирлаб қайнар
сўйилган сўзларнинг
қобирғалари.
Мўрисидан фалакка ўрлар
ўзлигин йўқотган
сўзларнинг руҳи...
...Оҳ, шунинг учун ҳам
Сўзларни,
халқимнинг жигар қонларидан
яралган сўзларни,
тилларимнинг остига кўмдим,
токи қассобларнинг
жирканч қўллари
қон этмасин дея
бағирларини...

2

Мен тилимни бериб бўронга,
дарахтларга бериб тилимни,
ИМО деган ўзга лисонда
куйлайвердим
дардин элимнинг.

Сўзлар энди тилимда эмас,
кўзларимда портлайди букун.
Қиприкларни посбон этдим, бас,
сўзларимнинг
соғлиги учун...

Яшил сўзлари либосида
 яшарган дарахларим,
 сиз — борлиққа
 суюмли бахши.
 Тилингиздан томаётган
 симобий сўзлар,
 бийрон айлар мени
 япроғингиздек,
 Яшиллиكنинг
 ўйчан бахшилари,
 тилгинамнинг учиди
 асраб қолдирган
 дилгинам нақши —
 ёлғиз сўзимни
 Сизга бераман;
 тўйиб-тўйиб,
 куйиб-куйиб,
 суйиб-суйиб
 қуйланг:
 Яхши...
 Ях-ши...
 Я-х-ш-и-и...

Ўлим ҳақдир! Қачондир бир кун
 етмишнингми ёки саксоннинг
 довоида ушлаши мумкин.

Шунда кимдир ўлимимдан шод,
 Кимдир бефарқ ва яна кимдир
 дил-дилидан этади фарёд.

Тирикликда тош отган «ўртоқ»
нутқ сўзлар қабрим устида,
тутмоқ учун ўзин яқинроқ.

У билади. Жуда билагон.
Қафанимни ғазабдан йиртиб,
«ёлғон» деёлмайман ҳеч қачон.

Сўнгра тупроқ тортарлар шитоб,
ёш болани алдаган каби
тинч ётгин деб қиларлар хитоб...

...Бефарёду беиз, бешарпа
Танҳо қолган қабримга бир куч
бор вужудин ташлайди шартта.

Фарзандимдек ич-ичдан бўзлар,
Бошин уриб қабр тошимга
Етим қолган муқаддас Сўзлар...

БАЙРАМГА ОШИҚҚАН...

Байрамга ошиққан болалар мисол
дарахтлар киярлар жомаларини.
Қушлар яшилликнинг қошида хушҳол
ўқийди баҳорнинг номаларини.

Бу фасл қалб ато этар тошларга,
ҳатто чигирткалар олар мақомни.
Ҳаяжондан тўлиб кўзи ёшларга
келинлардек қияр, гуллар муқомни..

МЕРГАН

Ови бароридан келмаган мерган —
менман,
қуролимда отилмаган ўқ.
Сабот бор.
Ўзимни тутяпман эркин.
Биргина нишонга олар нуқтам йўқ...

КИМУ

— Ким у уввос солган, бўкираётган ким?
Нега бузар туннинг жимлигин?
— Телба шамол, кайфи ошган-да,
юртга сездирмоқчи ўзини...

КИМНИНГ ЗАМОНИ...

Ўтмиш зўрлар замони бўлган,
қалби кўрлар замони бўлган.
Бу замон-чи, кимнинг замони?
Нечун ғўрлар кулгани-кулган?..

СИЗ ЮТДИНГИЗ...

Сиз ютдингиз —
кунингиз ўтди,
Сизга бўлди бугунги соврин.
Битта тамға кўксингиз ўпди,
босаверинг ўпкангиз ҳоврин.

Эртага ҳам бўлади шундай
индинга ҳам, ундан кейин ҳам.
Кунлар оқар мисоли қумдай,
уни ютиб, бўласиз хумдай.

Ичи тўлган қумларга лим-лим,
сиздек хумлар саф чекмиш қатор.
Тураверар бир чеккада жим,
савлат тўкиб мағрур, пурвиқор.

Кўз олдимда чавақлаб Кунни,
аста қумлаб босдингиз хумга.
Аниқ: бир кун шу жасад, хунни
чайқаб-чайқаб оласиз сўмга.

Бир чеккада
лоқайд, бепарво,
кунни ютиб яшайверасиз.
Пайтин пойлаб турган тулкидек
овни кутиб яшайверасиз.

Чумолидек тоққа тирмашиб,
эртани деб тер тўккан элни,
она-Ерга ипдек чирмашиб,
умидини минг эккан элни;

авом дейсиз,
дейсиз оломон,
ичингизда кулиб қўясиз.
Аслида-ку, қалбни беомон
кемиргувчи малъун куясиз.

Ташланасиз на кўзга шундоқ,
мумкин эмас фарқламоқ Сизни.
Беғуноҳсиз, қўлингиз оппоқ
топмоқ мушкул сиз топган изни.

Атолмайман вақтнинг ўғриси,
ушлолмадим — силлиққинасиз.
Айтаверсам гапнинг тўғриси,
бориб турган шиллиққинасиз.

Сизга бордир на суд, на қонун,
сизга бордир на таъна, гина.
Бир чеккада бешарпа, беун
яшайдурсиз тошдек жимгина.

Қўрдим. Аниқ биламан, лекин
айбламоққа йўқдир асосим.
Шунинг учун кўзимни секин
ерга олиб ўтавердим жим.

Ўтавердим,
ўтавердилар
гўё ҳамма нарса жойида.
Аммо сувлар қуриб бормоқда
ҳақиқатнинг тошқин сойида...

Сиз ютдингиз —
кунингиз ўтди,
Сизга бўлди бугунги улоқ.
Мен-чи, ночор ўтиб бораман,
гуноҳимга қўшиб минг гуноҳ...

Х О Р И Ж Д А

Сузиб борар эди
мўъжаз кемамиз
денгизнинг
зангори чексиз қўйнида.
Кўзлар уфқларга ботган.
Ҳаммамиз
энг азиз,
энг кучли бир куч ўйида.

Тил киради бирдан
қув таржимонга:

— Сизни олиб борар денгиз сувлари
дунё ғамларидан йироқ томонга.
Бунда эшитилмас завод «ув»лари,
эшитилмас бунда авто-мотоларнинг
«зува-зув»лари.
Тамом унутасиз уйни, болани.
Бошингизда осмон,
чор атрофда сув;
бунда на ваҳима,
бунда на қўрқув,
эркин қушдек енгил
сезасиз ўзни.

Фақат серхархаша
суяқ далани
кечиб юрмоқликка ўргатинг кўзни.
Бу чучмал сафсата тегдими ғашга
ё чертиб ўтдими асаб торини,
ҳамроҳим
кўзларин тўлдириб ёшга,
маҳкам қучиб олди
бирдан ёрини.
— Айтгил, яширмагил,
сўзлари ёлғон,
фарзанд меҳрин тотиб
кўрмаган нодон,
қайдан билсин
фарзанд, уйнинг меҳрини.
Бешикдек тебратиб
тушган кемамни,
алла айтгим келар,
йиғлагим келар;
шундай очгим келар туйғуларимни.

Қўпам мақтамасин шўр сувларини.
Кенглик жиҳатидан денгизи бизнинг

пахта даламизга
ўхшаркан бир оз.
Бунда чағалайлар, унда-чи, унда
оппоқ чақалоқлар этаркан парвоз...

Сузиб борар эди,
мўъжаз кемамиз
денгизнинг
зангори чексиз қўйнида.
Кўзлар уфқларга ботган.
Ҳаммамиз
олисдаги
қутлуғ Ватан ўйида...

★ ★ ★

Алдама сен мени, алдама фақат,
Фасллар алдади — етади. Оғир.
Билмай кўксин очиб кузакка Асад
орттирган боди-ла ётар ер бағир.
Алдама сен мени, алдама фақат.

Ваъданг қуёшмиди, нурни аяма.
Фасллар ўрнини алмаштирма, қўй,
Туйғунгни вақтида жолалардек қуй.
Дарахт сочларини эрта бўяма.
Ваъданг қуёшмиди, нурни аяма...

★ ★ ★

Сиз мисли Офтоб,
беминнат зиё,
барча талпинади висолингизга.
Мўътадил сақламоқ шарт
масофани,
шундай қонунларни хуш кўрар дунё.

Ранжимангу мендан,
хурматли Офтоб,
Сизни бир нуқтада қилмаган таъвоб,
ё музлаб ўлади,
ё бўлар кабоб...

* * *

Гапга тутар япроқни ел —
шовулар.
Қалб тубида эҳтирослар
ловиллар.
Интиқ-интиқ термиламан
фалакка.
Етурманми Ой сенингдек
малакка?
Англадими сўзларимни,
жилмайди.
Юрак — дарё, ҳеч чегара
билмайди.
Кетавердим хаёллар-ла
андармон.
Бир нимага урилдиму
ногаҳон,
икки юзим бўлди, эвоҳ,
чирманда.
Сайрай кетди:— Қўлингни торт,
зўрликми?
Етаклатгин хотинингга,
шарманда,
ҳавас қилган бўлсанг очиқ
кўрликни...
Гапга тутар япроқни ел —
шовулар.
Ўн беш йилки икки юзим
ловиллар.

Ойнага юз босган гулларим,
нечун хоналарга қочдингиз,
етмадими бардошларингиз?

Ойнага юз босган гулларим,
хоналарда кутиш бахтига
муяссардир кундошларингиз.

Ойнага юз босган гулларим,
кутиш ёлғиз бўлар,
бу уйга
ортиқчасиз
иккингиздан бирингиз ҳозир.

Уни сергак кутай десангиз,
барларидан ўпай десангиз,
мудроқ паривашни қолдириб бунда,
ўзингизни олинг гулзорга.
Йўқса, асаблари таранг бу жонон
сизни кўчаларга отар
рашкдан беомон,
ойнага юз босган
шўрлик гулларим...

М О С Л А Ш У В

Бизнинг далалардан кетган булбуллар.
Саъвалар, қумрилар, каккулар қочган.
Булбулсиз ўсмоқда бемалол гуллар,
чайқов бозорида нарҳи ҳам ошган.

Уларни қочоқ деб айблаш ноўрин,
тўғриси, заҳардан битган қирилиб.

Сўнгги оҳулару сўнгги бўрилар
олис тоғ бағрида юрар биқиниб.

Кўз олдда қирилиб кетгач, тустовуқ,
товуслар фарёд-ла таслим этгач жон,
чумчуқлар ҳаётга боқди-ю, совуқ,
мослашди заҳару олудга пинҳон.

«Мослашгин, мослашгин кетмайсан ўлиб»,—
дея бир каломни этганча такрор,
сўнгсиз далаларнинг ҳофизи бўлиб,
мана, яшаяпти читтак-ла ҳамкор...

КЕЧ ҚУЗ. ТУМАН

Ерга нима бўлди?
Не синоат бу?
Недан огоҳ бўлди дафъатан Қуёш?
Дарахтлар жим.
Қушлар бетуйғу.
Новдаларнинг яноғида ёш.
Кўзларга бостириб кирар оппоқ хун.
Заминга боқаркан,
қуёшнинг қип-қизил юзлари нечун
бўздек оқарган?..
Ерга нима бўлди?
Ерга...

М А Н З А Р А

Телба шамол занжирлари ечилар,
унинг далли шовқинидан тутоқиб,
ҳовлидаги бир туп ўрик ғижинар.

Қаро кеча сийнасиға ўт ёқиб,
пардалари ташланмаган дераза —
қаршисида соҳибжамол ечинар.

ТАШВИШ

Такрор инжиқлигин бошлайди кузак,
деҳқон беҳаловат,
далага шошар.
Ёмғир вужудларда уйғотар безгак.
Ялпи сафарбарлик,
бошланар ҳашар.

Бу сафар мақтовлар бўлолмас безак,
шошар ҳосилини йиғмоқ-чун, ахир —
гўдак жигарига ўхшаган кўсак
ёмғирлар остида ётар ер бағир.

Ўз жигари дейсизми?
Ҳозир
бу ҳақда ўйламоқ мавриди эмас.
Жигар қонларидан бинолар бўлган
жигарларин йиғиб олса, бас...

МАҚОЛ

«Телбанинг ишини ўнглайди худо»,
йилларнинг оғзида сақич бу нақл.
Телбага-ку худо боқмади қиё,
соғга ҳам сал мўлроқ бермади ақл.

ҲАҚИҚАТНИНГ ЁШИ

Ҳақиқатнинг ёши нечада?
Эрта оқардим мўйлари?
Эртароқ чўкдим бўйлари?

Юзи заъфарондир
Ҳақиқатнинг.
Шу ҳолга тушдими бир кечада?
Ҳақиқатнинг ёши нечада?

«У кунӣ қалбимга оғу солдинг» деб,
нишонлайвермасдан
Ҳасратнинг,
Қайғунинг,
Аламнинг юбилейларини,
хотирласак бўлармиди
Ҳақиқатнинг
туғилган кунин.

Қалбимдаги ҳақиқат кекса.
Ҳали мурғак бўлиши мумкин
сенинг қалбингдаги
мудроқ Ҳақиқат.
Унинг қалбидаги
Ҳақиқат эса
туғилгани йўқ.
Умуман, дунёга келмаслиги мумкин,
лекин ёши бор.
Уларнинг сочлари бирдек оқ
бўлгани-чун ҳам
туғилган кунлари битта...
Дарвоқе, Ҳақиқатнинг ёши нечада?

САБР

Севганим Аёлнинг муҳаббатини
илк бора қозонган хилқат бу — Сабр.

Сабрнинг йўлига сочлари — абр.
Сабрнинг йўлига киприги — сатр.

Аввало сабрга очар кўксини
ва кейин жимгина боқар ўксиниб.

Сўнг менга ошуфта, паришон
қалбини айлайди дастурхон.

Негадир аламдан (очликдан эмас)
ғажийман аламли Сабрнинг устихонини...

Севганим Аёлнинг муҳаббатини
илк бора қозонган хилқат бу — Сабр.

Ч Е В А Р А М Г А

Жигарим,
келажак наслим,
сен ҳақда
ўйларканман,
вужудимга тушади титроқ.
Бу ёруғ дунёда яшар эканман,
ўйлаб қўймадимми
ўзимни кўпроқ?

Жигарим,
келажак наслим,
ризқ дебон
бўлмадимми бахтингга завол.
Керак бўлиб увоққина шон,
этмадимми
улкан тоғларни увол?
Сенга элтаётган мана шу олам,
буюм каби ўтар экан
қўлдан-қўлларга,
ичи чирик бир олма мисол
ириб кетмасмикин
аро йўлларда?

Жигарим,
келажак наслим,
шу оппоқ
пахталардан ўзга бахти бўлмаган,
миллионлардан ўзга аҳли бўлмаган,
читтак исёнича шаҳди бўлмаган
бобонгга
эҳтимол,
гиналар тошидан
қўярсан ҳайкал.

Жигарим,
келажак наслим,
менга боболардан
қолганди мерос,
ҳақиқатдек адл минорлар
ва яна олдида
«соф» деган сифати билан
ирмоқлар, булоқлар, тупроқлар...
Мерос қолган эди
мусаффо ҳаводек
соғ табассумлар...

Мендан нима қолмоқда сенга.
Юртми,
тузлар бўронига кўмилган.
Булоқми,
кўзлари бемор, юмилган.
Тупроқми,
заҳару заққумга чўмилган...

Масъул бўлолмадик наҳот уларга?!
Жигарим,
келажак наслим,
хатолар китобин
очаверма, бас,

унинг тубидаги сатрлар тахир.
Сен ҳақда ўйлашга бонг уролган қалб
ҳолатин ҳам тушунгин ахир...

ДУСТИМ ДЕГАН СЎЗ...

(Туркумдан)

1

Меҳрибонсан,
ўта мулойим,
тикан кирса гар товонимга
кипригинг-ла
олмоққа шайсан.

Гоҳо фикримиз ҳам келади қойим.
Мушук боласидек кириб ёнимга
шилликқуртдек силлиқ яшайсан...

...Қўполликка йўйма сўзимни,
айтгим келди фикримни шартта:
аслинг қандай ўзи?
Ҳеч бирон марта
ўзинг кўрганмисан ўзингни?..

2

Юзма-юз ўлтирсак иккимиз шундоқ,
кўзларингни тиксанг кўзимга.
Мен эса жарроҳдек бетиг, беяроғ
юзингдаги ниқобларингни
шилиб олаверсам,
шилиб олаверсам,
олаверсам шилиб...
Ушанда ҳам қиёфанг эмас,
бошчаноғинг турарди кулиб...

Кўп бор кузатганман.

«Дўстим» деган сўз
жаранглаб чиқмаган
оғзингдан.

Илондек эшилган
бўғзингда.

«Дўстим» деган сўзинг,
тонгги сабо бўлиб,
юрагимда уйғотмаган
муҳаббатнинг эпкинларини.

«Дўстим» деган сўзинг
димоғимга олиб кирмаган
майсаларнинг ҳаяжонини.

Чунки сен

«Дўстим» деган сўзнинг ортида
гадодек яшайсан,
яшайсан қулдек.

«Дўстим» деган сўзни
тушунасан буюмдек, пулдек.

Хоҳлаган пайтингда
ҳар қандай мансабга,
ҳар қандай инъомга
чайқайверасан,
чайқайверасан...

Сен дўстим деганда
қулоқларим остида гўё
сўзлар

чинни каби чил-чил синади.

Кўзлар тинади.

Гир айлана бошлайди дунё.

Юрак

қафасин бузиб,
юзларингни бўяр
қора қонига..

Ўз-ўзини севмоқлиги керак одамзод,
 ўз нуқсонин сезмоқлиги керак одамзод,
 бўлмоқлиги керак

ўз-ўзига

юрак одамзод.

Лоқайд бўлолмасанг сўзингга,
 лоқайд бўлолмайсан ўзингга,
 лоқайд бўлолмайсан дўстингга,
 душманингга
 лоқайд бўлолмайсан.
 Мана шу қалб,
 мана шу юрак,
 мана шу туйғу
 уйғоқ бўлса агар кўксингда,
 кечирса бўлади,
 бўлар кечирса,
 қолган барча гуноҳларингни...

5

Қалбингни илитган
 қачондир бир пайт
 муҳаббатнинг
 маънос шуъласи.
 Кўзингда туғилган
 ёлғиз эзгу байт
 ва уни шошгансан
 ёзмаққа
 мунис қалбинг
 оқ варағига.

Кейин оқ варақни,
 оппоқ варақни

ғижимлаб отгансан
ўшал шоҳ байт-ла.

Кейин тилларинг севган,
қўлларинг севган,
мақсадинг севган,
чўнтагинг севган...
Севган эмас кўзинг,
қалбинг севган эмас.

Бас.

Ёлғон, ёлғон, ёлғондир
сўзинг...

Инонаман, қачондир бир пайт
эзгу байт битилган
ўшал оқ варақ,
худди эртақдагидек,
вужудингни
этар чилпарчин.

Я Г О

Муҳаббатнинг сергак султони —
О, Отелло, кўзларингни оч.
Кўзларингни очгил, Ягонинг
ниятлари отмоқда қулоч.

Ниқобини ўзгартмиш бу кун
фариштадек мулойим, ювош.
Ўзгаларнинг ташвиши учун
тўкиб қўяр ҳаттоки кўзёш.

Қурол тутмас қўлига илло,
ғазаб отин бетизгин қўймас.
Бир қарашда уни, Отелло,
яхшилардан фарқ этиб бўлмас.

Ғамларингни тенг бўлмоқ бўлар
атрофингда мисли капалак.
Ўлсанг худди сен билан ўлар,
тирик турсанг пойингда ҳалак.

Нуқсонингни юзингга солмас,
поксиз, дейди, пайғамбар мисол.
Сўз очдингми, шуни ўзи, бас,
сенга излар самовий тимсол.

Қувончингдан зил кетар, лекин
тил остига ташлайди талқон.
Юрагида туғилган кекин
яширади мисоли вулқон.

Соя каби юрар эргашиб,
иблис монанд аврар беомон.
Сендан ёлғон гапларни ташиб,
дўстларингни этади душман.

Беҳабарсан, дилларда гина,
яқинларинг тортар ўзини.
Шу аснода ёлғиз угина
ҳадя этар илиқ сўзини.

Лаънатлайди дўсти нопокни,
садоқатдан сўзлайди жим-жим.
О, бундаги ақл-идрокни
ўз шахсида кўрмаган ҳеч ким.

Унинг пинҳон разиллигини
қайси қонун пайқади сергак?
Бирдан сеза олур қай юрак,
кўллатганин бўйра тагини?

Беш асрким бутун оламнинг
вужудига солурсан титроқ.
Бас, Отелло, бас қил аламини,
томошабин тўла залга боқ.

Топиб улар ичидан макон,
ўлтирибди хотиржам Яго.
Дездемона жасадин шу он
қўлга олу айлагин нидо.

Токи сезсин одамлар, ҳамон
кўнгилларга ташлаб оғуни,
садоқатнинг кўксин этиб қон,
ўз ичида юрганин уни...

Йўқ, ханжарнинг мавриди эмас,
ғазаб отин қийнама бекор.
Яголарни тиф билан эмас,
муҳаббат-ла этайлик абгор.

Ўз-ўзингга урмоқлик пичоқ
жуда осон — бир лаҳзалик, оҳ.
Лекин яголарга эрк бермоқ
келажакнинг олдида гуноҳ...

МУҲАББАТ ШЕВАСИ

Кекса тоғлар каби метин кўксимда
муҳаббатнинг қадим шеваларида
битилган севгининг битик тоши бор.

Кимдир чўкич ушлаб келди дастида
Кимдир ҳарб-ла олмоқ қасдида.
Аммо юрагимнинг тўртта фаслида
битиклар туради шундоқ аслида.

Ёмғирдек ёғилган кўз ёшлар қолди.
Кутишлар, соғинчлар, бардошлар қолди.
Пойида эгилган зўр бошлар қолди.

Муҳаббатнинг қадим шеваларида
битилган севгининг битик тошини
қолдириб кетаман,
муҳаббатнинг содиқ беваларига.

Тушларимга кирар ўқтин ва ўқтин,
қўшиқдай ўқийди сўзларни маҳзун.
Ўзи Лайли бўлар, саболар Мажнун.

Мажнун саболарнинг қулоқларига
ўқийверар ишқнинг оятларини.
Дунё тиз чўқади пойига охир
яширолмай ҳайратларини...

Кекса тоғлар каби метин кўксимда
муҳаббатнинг қутлуғ шеваларида
битилган севгининг битик тоши бор.

МЕНИ УЙЛАМА

Сенинг отар тонгларинг тўлуғ,
сенинг босар йўлларинг улуғ,
юрагингда умидлар ёруғ:
ўзни бекор банди айлама,
мени ўйлама.

Менинг босар йўлларим ўзга,
энди қайтмоқ мумкинмас изга;
юрагимни берганман Сўзга.
Тинган дарёларни лойлама,
мени ўйлама.

Бизлар асли бўлинган бир тоғ,
сен ўнг қирғоқ, мен-да сўл қирғоқ,
ўртамизда дарёлар уйғоқ.
Дарёларга тилинг бойлама,
мени ўйлама.

Муҳаббатнинг зорида қолсам,
армонларнинг қорида қолсам,
Сўзларимнинг дорида қолсам,
ўзни менга ёр деб сайлама,
мени ўйлама.

И З О Қ

Бу одамни яхши танийман,
бир оз калласини эгиб юради.
Миянгизда ётган фикрни
туфлингиздан билиб туради.

Ўзни жуда тутади сипо,
арбоблардек салобати бор.
Бу — зоҳиран. Ботинан эса
унинг на бир ҳаловати бор.

Шубҳа, гумон, мансабпарастлик
ич-ичидан борар кемириб.
Иғвогардан фарқли ўлароқ,
қўтос каби кетган семириб.

Мана шундай.
Бир оз такаббур,
бир оз танти, бир оз учарроқ.
Кўкраклари кенг бўлган билан
аммо-лекин юраги торроқ.

Бу одамни ҳамма билади,
билармикин ўзини-ўзи?..

МУРАККАБ ОДАМ

Зарурати йўқдир унга мақтовнинг,
хушомаднинг исларига беморлиги бор.
У ҳайвонмас — одам.
Кераги ҳам йўқдир етовнинг.
Буларнинг баридан безорлиги бор.

Танқид — рақиб унга.
Хушомад — рақиб.
Бечорани навбат-банаъбат
этишар таъқиб.
Иккисининг исканжасида,
юрагини кўксига тақиб,
собит турар у буюк ғариб.

У билан юзма-юз келганда
ним табассум қилинг
кўзларингиздан.
Сезиб қолсин,
ҳаракатини
лабларингиз ортидаги
ҳисларингизнинг.

Сўзнинг эрки учун курашган одам
раҳми келади-да,
тишингизда ғажилаётган
қонталаш сўзга...

ЎЗБЕКИСТОН ДАЛАЛАРИГА

Интиқ нигоҳ ила боқаркан
турналарнинг галаларига,
ҳис қиласан: қасида бошлар
Ўзбекистон далаларига.

Таъзим айлаб, келажагини
тупроқлардан излаган халққа;
хирмонининг устида шодмон
қур-қурлашиб ясайди ҳалқа.

Ўлкаларнинг холис элчиси
нигоҳ ташлар экан юксакдан,
ташвишларин кўради элнинг
юрагига монанд кўсакда.

Қанотидан тўкади гўё
далаларга тўкинлик фаслин.
Бундан ўзга инъом не керак
қўли қадоқ деҳқонга асли...

* * *

Мен дарахтман,
мирзатераклардек
баланд ва юксак,
мажнунтоллар каби
куйик ва суюк.

Шамолларнинг, фаслларнинг
дастхатлари битилгандир
япроқларимга...
Ватан қурган
яшилликнинг, яхшилиқнинг
бахшилари — қушлар
бутоқларимга...
Лек танимда пинҳон
қурту қумурсқалар
топмоқда макон.
Бағримни кемирар беомон...

Қушларим —
яшилликнинг халоскорлари,
қутқаринг,
қутқаринг,
қутқаринг,
мирза дарахтингизни,
мажнун дарахтингизни...

Қ У Ш Ч А

«...Исроил ҳарбийлари вазиятни яна-да кескинлаштириш мақсадида Ливанга қарши ҳарбий иғвогарлик қилди ва ичида юздан ортиқ йўловчи бўлган Ливия граждон самолётини Синай осмонида уриб туширди...»

(Г а з е т а д а н)

Ҳув кавакда қушча сайрар,
қушча сайрар фироқда.
О, бунчалар қолиб кетди
онажони йироқда.
Оқшом тушиб, қасд этгандай
миттивойнинг жонига,
Юлдузчалар жимирлашиб
тўкилмоқда ёнига.
Шохлардаги чирмовуқлар
илон каби чирмашиб,
чиқаётгандек туюлмоқда
беунгина тирмашиб...
Палапоннинг даҳшатларга
тўлиб борар юраги.
Қайда қолди онажони —
ёлғизгина тираги?
Тонгда учиб кетганди-ку,
тирикчилик, емакка.

Болажонин ёлғиз қўйиб
бўм-бўшгина кавакка...
Мунчоқ кўзи ёшга тўлиб,
қушча турар фироқда.
Қайдан билсин, онажонин
ётганини тузоқда...

★ ★ ★

Бола
жар ёқасида ўлтириб,
узоқ-узоқларга боқади мубҳам...

Гўё унинг кўзларига тикилиб келар,
тубсиз жар лабида муаллақ қотган
мушфиқ бу олам...

★ ★ ★

Аста сурунади булутлар маъюс,
аста мовийлашар уфқ ҳам.
Менинг юрагимдан
самовий бир ҳис
мовий кенгликларга
талпинар бирам.

Булутлар ўтарлар.
Тиниқар осмон.
Юлдузлар нидоси тутар самони...
Юлдузлар — юлдузмас,
хилол — хилолмас.
Бу — сенсан.
Қалбимни айлаган ошён,
қутлуғ муҳаббатнинг
ўтли армони.

* * *

Тонгда

ҳовлидаги сўрида
юлдузларга термилиб ётсанг;
кенгликларда мавжланаётган
оппоқ лолалардек
кўксингга талпинар улар.
Кўксингда тўлғонар,
пўксингда уйғонар,
оппоқ лолалардек оппоқ орзулар.
Олисларда авжланаётган
интиқ қўшиқлар
сенинг юрагингда
пўртанага айланар гўё.

Наздингда

ҳеч ким бундай фароғатни
кўрмаган ҳали.
Айни тонг маҳали
биргина сен учун само
кўксини очмоқда гўё.
Биргина сен учун...

Шундай хаёлларга

бўласан асир
тонгда
юлдузларга термилиб ётсанг.

* * *

Оққушгинам, учиб кетдинг тўшларимдан,
айро тушдим ўшал оқшом ҳушларимдан.

Нечун кетдинг бу водийдан? Ранжидингми —
қай бир қўпол сўзларимдан, ишларимдан?

Қайси ағёр, қайси ғофил юлқиб олди,
юлқиб отди юракдаги тишларимдан.

Шундан менда на ҳаловат, на фароғат,
на фарқи бор баҳоримнинг қишларимдан.

Севги осмонида турган довул, бўрон,
ажабланма, менинг фарёд, жўшларимдан.

Тин эй, бўрон, сўн эй фарёд, қўн эй, кўнгил,
кул эй, осмон, хаёл отлиғ қушларимдан.

Қайси водий маконингдир? Тополмасман
изларингни Андижоним, Ўшларимдан,

Қўзим юдим, ажаб эрмас, топиб олсам,
оққушгинам, сени ширин тушларимдан.

★ ★ ★

Сиз мени кечиринг,
ҳисларимни дангал очганим учун:
буйруқ беролмайман хаёлларимга!..

Мен Сизни тушимда қучибман бу тун.
Лабингиз майидан ичибман бу тун.

Лабингиз майидан учибман бу тун.
Тамом ўзлигимдан кечибман бу тун.

Қаршингизда гунг ва лол
тургувчи бемажол
бир вужуд
минбардан ваъз айтган арбоб мисоли
ҳайқириб сўзлабман
севажагимни...

Елларда тебранган лолалар каби
қиқир-қиқир кулар эмишсиз.
Мағрур сўзларимдан гангиганнамо
кулгуни кулгуга улар эмишсиз.

Эҳ, қандай тушлар-а,
эҳ, қандай тушлар...

Сиз мени кечиринг,
ҳисларимни дангал очганим учун!
Бахтимга
омон бўлсин-ей,
ботир хаёлларим,
ширин тушларим...

БИРИНЧИ КУРС ТАЛАБАЛАРИГА АДАБИЁТШУНОСЛИҚДАН ЯҚУНИЙ ДАРС

Талабалар,
сўнгги дарсимиз
санъатдаги виждон ҳақида.
Биз ўтган дарсларда
нималар ҳақида
баҳслашган эдик?
Дарвоқе образ ҳақида.
Сюжет, композиция.
Шакл ва мазмун...
Яна шеър ҳақида фикрлашгандик.
Шеърда
 оҳанг,
 ранг,
 жаранг бўлади.
Фикр рубоб тори каби таранг бўлади.
Туроқ, қофиясиз ҳеч қачон

мумкин эмас
шеърни тасаввур этмоқ.
Ёлғон!
Булар ташқи безакдир, холос.
Мумкин эмас шеърни
қалбсиз, ҳаяжонсиз
тасаввур этмоқ.

Шеър — кўзгу.
Унда шоирнинг
шаффоф туйғулари
сочади ёғду.
Бу гапларни
ёзмоқ шарт эмас,
дарсликларни титиб
овора бўлманг.
Қалбингизни очинг
каттароқ.
Бу гаплар
қоғозга тушса
ҳароратин
йўқотиб қўяди
кўпроқ.

Назаримда,
шоирнинг номи,
сўзларнинг қони
Виждонга айланмоғи керак.
Ватанга айланмоғи керак.
Виждонга айланса
шоирнинг исми,
Ватанга айланса
шоирнинг жисми,
қаҳрамони
Имон бўлғуси.

Мушфиқ замин учун,
тириклик учун
мана шундай фидойилар
зарурдир бугун.

Талабалар,
англаяпсизми,
қандай қаҳрамонлар
керак санъатга?
Шундай юксакликдан туриб,
излаб кўрайлик-чи...
Санъат асарида
тирик инсон
бўлмоғи керак.
У эса ҳар қачон
тушавермас
тайёр андазаларга...

Келинг,
яхшиси ўзимиз
тўлдирайлик,
тирик қаҳрамонлар
силсиласини.

Қимки тўлдирмоққа
бўлмаса қодир,
унга
қатъий таклифим бордир:
қаламни кўксига
ханжардек санчиб,
оқ қоғозни
ол санжоқ этсин.
Шеър ёзиш шарт эмас.
Қонингиз шеър бўлиб томса,
жонингиз шеър бўлиб ёнса,
юксак сатрлардек

жарангласа имонингиз,
мана шу — шеър.
Талабалар,
якуний дарсимиз
санъатдаги виждон
ҳақида бўлди.

Сўроқларинг бўлса, марҳамат!

«ҲАҚ ЭГИЛАР, СИНМАС...»

Ҳақсизлик лашкари келсаю устун,
ҳақиқатнинг ногоҳ қонаса бурни,
ўзини панага олганлар, беун —
шивирлар: «Ҳушёр бўл... эмасдир ўрни».

«Ҳақ эгилар, синмас...» демишлар қачон,
муқаддас номингдан сўзлаган қай кас?
Қаршингда тиз чўкиб келтиргум имон,
йўқ, бу гаплар сенинг ҳикматинг эмас.

Халқим — ҳақиқатнинг метин қалқони,
Сен-ку, ҳақ тоғини этган сарбаланд.
Халқим — бахтли кўрмоқ бўлиб дунёни,
сен-ку, ёв йўлига ташлаган каманд.

Ҳақиқатнинг қадди бўлмасин деб дол,
қиличларга мағрур бошингни тутдинг.
Ҳақиқат бағридан учмасин Иқбол,
дея минг йилларки лахта қон ютдинг.

Бир лаҳза ҳақиқат эгилар бўлса,
қанча тик қадларни йиқар Разолат.
Тул қолган келиндек эзилар бўлса,
зулмат занжиридан мажруҳ Адолат;

эзгулик нурлари сўнади бутун,
минг йиллик курашлар бари бўлар ҳеч.
Халқим, ҳақиқатнинг тиклиги учун
курашларга чорла,
эрта бўлар кеч...

О Т

Елкасида юк — инсон.
Юрагида эрк — армон.
Пишқиради, чопади,
пишқиради, чопади...
Чопа-чопа на эгасига,
на армонига манзил топади...

* * *

«Битиб кетди эски яралар!»
Ҳукм чиқараман ўзимга-ўзим.
«Битиб кетди эски яралар!»
Ва қалбимга тилайман тўзим.
«Битиб кетди эски яралар!»—
Каломин кўксимдан оларман узиб.
«Битиб кетди эски яралар!»—
Деган сўз оғриғи мени яралар...

* * *

Неки бўлди — бари ўтди. Қайтиб келмайди.
Бошимизда ул фараҳли кунлар кулмайди.

Ўзга баҳор, ўзга ёзу ўзга кузларнинг
Васли билан яшамасак энди бўлмайди.

Сўлар бўлди сувсизликдан гулларим дема,
Илдизлари теран экан, асло сўлмайди.

Ўзни ғафлат уммонига отма, дўстгинам,
Юксак олмай парвозларни яшаб бўлмайди.

ҒАРОЙИБ ТУШ

Кўзи илиндими,
туш кўрар эди.
Тушида
ишқ изҳор қилмоқни
хуш кўрар эди.

Уйқуда ҳам вафодор эди.
Биттасини кўрар эди тушида.
Париваш
момиқ билакларин
бўйнига чирмаб,
ухларди
йигитнинг тўшида.

Болалар
ўз севган мулътикларини
қайта-қайта кўргани мисол
жозибали лавҳаларни
такрор жонлантирар
йигит бемалол.

Бир куни
қиз қочди,
у қувди тоғда.
Қиқирлар,
кулгулар эди дудоғда.
Алдамчи пўписа эса қабоқла
Малоиклар каби
борарди учиб,

гўёки бу ширин висолдан кечиб.
Йигит ортда.
Олдда эса қиз.
Ҳалқадаги олмахон монанд
бир-бирин қуварди изма-из.
Синамоқчи бўлдим ва ё
жонига тегдим
муаллақ парвоз,
«ортимдан» деди-ю,
ҳадя айлаб ноз,
ўзин жарга отди
махлиқо.

Чидолмади ўғлон.
Чиқди ўйиндан.
Муҳаббатдан кўра ширин эди жон.
Унутди.
Унутди.
Унутди тамом
ўйин олдидаги сўзини.
Жар лабида,
шунчаки туш деб,
шарт очиб юборди
кўзини.

Р У Б А Р Ў М Д А...

Рўбарўмда турибсан муштоқ,
қўл узатсам етгудай — яқин.
Қалблар талпинмасин каптардек,
бироқ
ўртамизда каттакон оқим.

Сочларингни ташлаб ирмоққа,
кўприк ясанг-да, киприкларингдан;

қолиб кетганда ҳам мангу қийноқда,
лек ўтмасман кўприкларингдан.

Рўбарўмда туравер уйғоқ,
маъбудлардек илоҳий, бесас.
Менга оддий ташрифинг эмас,
ёқар зор-зор кутишинг кўпроқ...

ТУТҚУНЛИК

Дўстинг — хаёл,
Хаёлдир ёринг.
Сен хаёлнинг никоҳидасан.
Бунда юрагингни очиб бемалол
тўколмайсан ўртага борин.

Шунчаки уй эмас,
ажойиб қаср.
Гуллар сўлим.
Ҳофиздир ранглар.

Сен бунда ардоқли
асир эмасми,
кўзинг рангга басир,
ҳисларинг бесас,
қалбинг қўмсар
олис нафасни...

Бунда
ўзга муқовага
мажбур тиқилган
шеър каби
қийноқда яшайсан, Гулим...

Дўстинг — хаёл,
Хаёлдир ёринг.

МИЖҒОВ ИҚРОРИ

«Яъни, масалан»ни чайнаб ўтириб,
фикрлар ясаймиз «ҳоказо»лардан.
Босириқ тушларни чинга ўгириб,
қутилмоқ бўламиз сўнг жазолардан.

Аниқ бўлмагани маъқул
фикрнинг

Бор эрур бир куни бермоқ ҳам ҳисоб.
Мазмун шаклгамас,
замонага қул.
Қулнинг эса хизмати тавоб.

Минбар эса бозор каттакон,
«яъни» вирусларин сотамиз текин.
Баъзилардек эмас бизлар покдомон,
ўзимизнинг эрур бу экин...

Ифода қилмоққа жуда ҳам ўчмиз
содда фикрларни
қурама гапда.
Ҳа, шундайин керакли кучмиз,
афсус, йўқмиз ҳозирча сафда.

ҚЎЗ ЮМИБ...

Қўз юмиб-очсангу
барзанги дарахт
майсалар олдида
ийманиб турса,
мунис нигоҳлардан
вужудни карахт
арслонлар
фозилдек хаёллар сурса,

қўзилар ҳайъатдан туриб
бемалол
одил ҳукм айтса
бўри устидан;
талантсиз, тўпори Қарға дастидан
санъат оламидан
қувилган булбул
пўстлоқ чўқимаса
қурт илинжида;
сув пуркамай шернинг пинжига
икрор бўлса тулки
бор гуноҳига;
талонларда қолган заминни
оқ каптарлар олса
ўз паноҳига...

Кўз юмиб-очсангу...
Дўстим,
ичга қаттиқ олиб дамнингни
туравергин кўзингни юмиб.
Етказурман
келса сен кутган онлар.

М У А Л Л А Қ М А Н...

Ўзимники эмас
вужудим — бошқа.
Яшаётгандайман
кимнингдир умрин.
Ҳукмрондай
аллақандай фаросат
бошга.
Бажараётгандайман
ўшанинг амрин.

Ўзимники эмасдай кўзим.
Худди бировники қулоқ ҳам.
Ўзимники эмасдай ҳатто
босган изим,
айтилган сўзим...

Ўзимники бўлганида
сал бошқачароқ бўлармиди
фикрим,
қадамларим,
сўзларим...
Ақлим ўзимники бўлганида
балки қилармидим
бирон-бир хато...
Ўзимники бўлганида,
ҳаётга
бошқачароқ қарармиди
кўзларим...
Ўзин қайта қураётган одамдай
муаллақман
ўзлигимнинг ичида бугун.

Б У У Т...

Бу ўт иккимизни кул қилар бир кун.
Бу ўт тузоғидан чиқмаган омон,
жунун водийсининг эркаси Мажнун,
Лайли деб аталган бокира имон.

Бу ўт иккимизни қул қилар бир кун,
саждалар қилурмиз чўкиб пойига.
Тунлари жунунваш йиғлаймиз хун-хун,
қонимизни қориб қутлуғ лойига.

Бу ўт иккимизни гул қилар бир кун,
ўзга юракларнинг армони бўлиб,
ўзга бир қалбларнинг ҳижрони учун,

очиламиз; ишқнинг юсак тоғида.
Қимдир тавоб қилар. Қим сақлар сукун.
Қимдир гулдонида этади тутқун...

К Е Т А М А Н...

Кетаман, ип узган бир кема каби,
на тўлқин, тумандан асло ҳадик йўқ.
Кўксимда муқаддас ҳароратли чўғ,
бахту бахтсизликдан эса кўнглим тўқ,
кетаман, ип узган бир кема каби.

Яшириб қўйгансан, билдим, елканни,
ҳатто тешиб қўйдинг кема тубини.
Қайтмайман, шамолга тутиб елкамни,
юсак тутганимча умид туғини,
кетаман, ип узган бир кема каби.

Қолавер соҳилда, чирик чилвирни
бош узра силкитиб, урганингча дўқ.
Бари ўзимдандир. Сендек қилвирни
топдим кўксимга санчилди бир ўқ...
Кетаман, ип узган бир кема каби.

Бағримга сув тўлиб бормоқда — оғир,
фалокат қанчалар бўлмасин олғир,
макру ҳийлаларинг ташлолмас каманд,
юракни бир мақсад тамом этган банд —
кетаман, ип узган бир кема каби...

КЎЗЛАР

(Ғазалнамо)

Қачон боқдим бу кўзларга,
кўнгилда ҳислар уйғонди,
хумо қушдек қанот ёзди,
хаёллар аста тўлғонди.
Умид занжирларин ўрдим
сочинг занжири-ла бирга,
товонинг ўпмак ўйида
тақсимда хаста чулғонди.
Бу икки зулфи торинг, воҳ,
қисматимдир менинг битта,
оёғинг остига ўзни
отиб чангига булғонди.
Сочинг савдосидин ҳаргиз
хабарлар олмади наргис,
бу лоқайдлик, такаббурлик
туфайли қонларим ёнди.
Қоним ёнди, бу гулханни
ўчирмакка сув эрмас ҳеч,
чашми обинг керак ёлғиз,
у эрса қақради — тонди.
Борурсен, ортинга ҳеч бир
қарарга истагинг йўқдир,
на дил қонди, на тил қонди,
на булбулу на гул қонди,
изингда изларим қолди,
чўзилган қўлларим толди,
умидим нури йўқолди,
юракда исён уйғонди...

Қ О Л Д И...

(Ғазалнамо)

Ёр ағёрлик қилди, оҳ-воҳ қолди,
эккани гул ўрнида чоҳ қолди.

Кўз кечасига бурканди борлиқ,
кўзим қароғида бир моҳ қолди.

Икки қутб сари кетдик — айрилдик,
лисонда ишқ эмас, эвоҳ қолди.

На менга-ю, на сенга талпинди,
муаллақ, безабон арвоҳ қолди.

Нега келдинг-кетдинг, муддао не,
муддаосиз ишдин гуноҳ қолди.

Йўқолган изларинг-чун севинма,
муҳаббат аҳлига огоҳ қолди.

★ ★ ★

Мунис иболарни ранглаган қизлар,
боқиш, имоларни англаган қизлар,
танҳо ҳақиқатни танлаган қизлар;
бугун кўзларимни англамас нечун,
бугун бўзларимни тингламас нечун?..

Олис шаҳардаги қошиқдай қизлар,
бир қарашда гўё ошиқдай қизлар
макрига тортганда, ёдимга сизлар —
келдиз қишлоқдаги қўшиқдай қизлар;

хаёлан сиз томон интилдим, чопдим,
хаёл бўстонида васлингиз топдим.

Бу ерга изимни излаб келганман,
айтар каломимни сўзлаб келганман,
бир қора кўзимни кўзлаб келганман,
нечун кўзларингиз ер чизар маъюс,
нечун қўлларингиз ип узар маъюс?..

★ ★ ★

Тўйда, базмларда, гап-гаштакларда,
мезбон
умид билан ёзар дастурхон.

Бир қултум чойдан сўнг,
бир каломдан сўнг,
жиндек ўйчан,
жиндек сипо меҳмонлар
илтифот кутмасдан,
навбат кутмасдан
ўз дастурхонларин очарлар секин.
Унда мақтов, хушомад текин...
Унда фитна, ғавғолар текин...
Тўлиб кетар охир дастурхон
оғиз ва қалбдаги чиқиндиларга...

Тун. Бир-бир тарқалар ўз уйларига,
раҳматни унутиб.
Кетар олдидан
ўз дастурхонини қолдириб ошкор,
бошқа давраларда ёзмоқлик учун,
ўзганикин
қултиқлар пинҳон...

Гўдак исларига ташна бешикни
 қучоқлаб,
 аллалар айтгиси келар аёлнинг.
 Навбаҳорда,
 айни ой тўлишган паллада,
 ойни чақалоқдек йўргаклаб олган
 тун бўлгиси келар аёлнинг.
 Қуёшни гўдакдек йўргаклаб олган
 кун бўлгиси келар аёлнинг.
 Ойдек қизи,
 Кундек ўғли бўлса аёлнинг.
 Ойдан уйи тўлса аёлнинг.
 Кундан-куни кулса аёлнинг.
 Хаёлида ҳар кун
 юлдузлардан бирини олиб,
 бешикка белару беун
 кўксини тутганча Юлдузига
 аллалар айтади маҳзун.
 Тўхтаб қолар кўкда Ой
 алла сеҳридан.
 Сокин тортар тошқин сой
 алла сеҳридан...

Лекин димоғига гўдакнинг эмас,
 юлдузларнинг иси урилар.
 Унга гўдак ислари керак.
 Бағридек қип-қизил гиламларида
 қолса дейди бола излари.
 Онаси қучоқлаган
 мана шу бешикдан,
 ўз чақалоғи
 тамшана-тамшана интилса унга.

Гўдак исларига тўлган бешикни
тебратганча
аллалар айтса,
айтаверса умри борича,
мана шу аёл.

Дунё
мана шу аёлдек
ўктам, баркамол,
ҳур, соҳибжамол,
орзуи бағрида ётган бетимсол —
чақалоқдек яшарди безавол.

Замин бешик бўлсин ўшал аёлга.
Замон бола бўлсин ўшал аёлга.

ДЕҲҚОН ҲАЁТИГА ЧИЗГИЛАР

1

Уйингизга йўқлаб борганда
топдим сизни
дала-тузлардан.
Қўлда кетмон
юрар эдингиз
тупроқ, лойни кечиб тизлардан.
Сизга аёл,
содиқ дўст эди,
юррак каби безовта чигит.
Ҳисларингиз
шундан маст эди,
яктагини бар урган йигит.

Уйда келин,
 бешикда ўғлон
 ва косада палов интизор.
 Ярим кеча
 ҳорғин, бемадор
 йўл оласиз уйингиз томон.
 Уйғонади,
 аччиқ тер иси
 димоғига уриб гўдакнинг.
 Сўнгра онасидан олдинроқ
 бошлаворар тунги «гудок»ни...
 Келин бир сўз демас,
 безабон
 бастингизга боқади ҳурдек.
 Фурсат ўтмай,
 унга жавобан
 бошланади азамат хуррак...

Қизгинангиз кокиллари монанд ғўзанинг
 тўлқинига боқа-боқа ўйлаб кетасиз.
 Чаноқлардек чанқоқ-чанқоқ бўлиб очилса,
 чаноқлардек бодроқ-бодроқ бўлиб очилса,
 кўксингизда пинҳон ётган куртак—умидлар.
 Ойдек сўлим, кундек тўлин фарзандларингиз
 илм уммонида сузса олис шаҳарда.
 Бекорчилик, қиш-қировда излаб борсангиз
 кузги боғнинг ҳосилидан олиб саҳарда...
 ...Пайкалларга йўқлаб келиб сизни ҳам, дадил
 «ҳорманг» дея қўлингиздан олса кетмонни.
 Сиз-чун унутмаган бўлар далани,
 унутмаган бўлар қишлоқ, қутлуғ имонни...
 Қизгинангиз кокиллари монанд ғўзанинг

тўлқинига қўйиб бериб хаёл отини,
ўйлайдирсиз учинчига борган қизингиз,
боқчадаги ўғлингизнинг камолотини...

4

Қизингиз — армон.
Ўғлингиз — армон.
Армонларнинг беланчагида
яшардингиз
бўлиб андармон.
«Қизимиз бўлса,
ўғлимиз бўлса,
эл қатори биз ҳам
шодмон
аллалар билан
тонгларни кутсак,
кейин бирга-бирга
далага кетсак»—
дея аёлингиз сочини силаб,
Ойга боқардингиз паришон.
Қизингиз бор.
Ўғлингиз бор.
Оқшом йўлингизга интизор.
Вўза улардан-да
эркатойроқдир.
Сув деса, сойга чопасиз.
Нур деса, ойга чопасиз.
Болангизга эмас,
даставвал
яшил ғўзаларга топасиз.

«Эрта қайтаман бугун!»
Ҳар тонг
орзуингиз шу бўлар — битта.
Лек қайтасиз пучуқларингиз

бир уйқуни олгани пайтда.
Чорпояни тўлдириб ётган
ғўдакларга боққанингиз он,
қалбингизнинг туб-тубларида
қудратли куч кўтарар исён.
Болангизни
тўйиб-тўйиб қучгингиз келар,
бирга-бирга учгингиз келар.
Дала ишларидан
ҳеч бўлмаса бир кунга,
ярим кунга кечгингиз келар.
Бўлмайди.
Дала, ғўза, эгатдаги сув
оталик бурчи не, билмайди.
Қизингиз уйғониб,
айтгунича тушларини,
ўғлингиз уйғониб,
йиққунича ҳушларини
кутиб туролмайсиз,
кетасиз...

Узингизни кечиролмайсиз.
Паришон юрасиз кун бўйи...
Фақат Сизни овунтиради,
яна эрта қайтмоқлик ўйи.

5

Сувдек оқаверар шанба, жумалар,
якшанбалар эса оғир юмалар.
Бозорлар қайнайди
якшанбаларда
алдов, чайқовларнинг дарахти гуллар.
Хотин-чи,
қийнайди якшанбаларда:
«Рўзгорни корига ярасин пуллар.

Каттаси мактабга борар бу кузда,
кичигининг оёғига, бошига керак...
Хотинингиз — гўза.
Уй дала-тузда.
Сизга тегиб,
азоблардан чиқади юрак...»

Бозорга чопасиз.
(Зарур-да, бу ҳам.)
Ўсма-сурмаларга кўмилган кўзлар,
нопок семизликдан юмилган кўзлар
бориб турган ювош, силлиқ муттаҳам.
Кўзга ишонасиз — айёр кўзларга.
Сўзга ишонасиз — ағёр сўзларга.
Сиз-чун ҳозир ақча муҳиммас,
бешикдаги чақалоқдек гўзалар кутар
саратон тафтида беҳол тамшаниб.
Сиз-чун ҳозир ақча муҳиммас,
хотин хурсанд бўлса,
шуни ўзи, бас,
фарзанд хурсанд бўлса,
шунинг ўзи — бахт...

Сувдек оқаверар шанба, жумалар,
якшанбалар эса оғир юмалар...

6

— Не ишлар қиласиз бўш вақтингизда?
— Қафтдек таморқада экаман.
— Экишдан кейинги бўш вақтда-чи?
— Бўш вақтимни гулдек экаман.
— Хўш, ундан кейин-чи?
— Ундан кейин ҳам
вақт уруғини саралаб,
давр пуштасига тикаман.

— ...

— Ёлғиз битта кучга эгаман:
экаман.

Экиш билан ўзни хурсанд эгаман.

7

«Сўнгги мисқолгача!..»

Янграйди хитоб.

Ялпи шижоатдан гангиган офтоб
бир дам туриб қолар оппоқ хирмонда.

Сўнгги мисқол
сизга

фойдами, зарар?

Арзирми совуқда чеккан азобга?

Сизни бумас,

бошқа муаммо эзар...

Деҳқон майда гапни

олмас ҳисобга.

Пешона терини,

билак кучини

пулга бичган эмас,

бобонгиз ҳеч он.

Сизга тенгсиз шараф,

пахта туфайли

элингиз тўқ бўлса,

юрт бўлса омон.

Дунёнинг

қайсидир ўлкаларида

очлик, яланғочлик экан ҳукмрон,

сўнгги мисқоллардан яратмоқ хирмон

бордир сиздек деҳқон елкаларида...

Салоҳиддинга

Тунги барлар бизга қилмоқда торлик,
 нафасни бўғмоқда бадбўй тутунлар.
 Юр, дўстим, кетамиз, қилма беорлик,
 қайдадир ёлғиздир қалби бутунлар;
 биз уни бу кеча излаб топамиз.
 Қўнгил косасида
 севинчимизни
 майдек, сипқорамиз,
 майдек ичамиз.
 Алдов маликаси —
 бу жононларнинг
 лутфу бўсасидан
 кечамиз...
 Ағёрлар султонун
 Фитналар вазир —
 бўлган бу овлоқда
 эгилмоқ қулдек
 бизга ярашмайди.
 Бу ерда севги
 пулдек устомону
 сийқадир пулдек.
 Вафо водийсининг
 майсазорида
 бағримизни ерга
 босиб ётамиз.
 Садоқатни тез уйғотамиз.
 Ахир бир пайт
 Нозим айтган каби
 Ҳақиқатни деб,
 Садоқатни деб,
 мен ёнмасам,
 сен ёнмасанг,

у ёнмаса,
Вафо ёнажак —
ёнар келажак...

Тунги барлар бизга қилмоқда торлик,
юр, дўстим, кутмоқда қалби бутунлар...

И Қ БО Л

Қошига ўсмалар тортганда осмон,
аста очилганда гуллар жамоли,
гулзорларни кезиб ҳорғин, паришон,
қирларга йўл олди субҳ шамоли.

Майса кокилларни тортқилаб ўтди,
бир қатра май ичди гул косасидан.
Қизғалдоқ лабидан энтикиб ўпди,
қуёш бош кўтарди бўса сасидан.

Унинг юрагида яшарди армон,
шундан кезар эди ҳар тонг саргашта.
Қирда қизғалдоқлар бўлганда хандон,
қоларди «ишқпараст» қалби оташда.

Қизғалдоқ косасин тубидаги хол,
холнинг яноғида қалқиган шабнам;
махбуб қўлидаги узукча мисол,
товланиб турарди қуёшда бирам.

Унинг излагани шу эди — иқбол.
Шу эди — қалбида яшаган — армон.
Лекин узукчани кўрмасдан шамол,
лола балдоқларин айларди яксон...

Наим акага

Шудгорланган далалардан
келар хушбўй ис,
она нафасидек илиқ ва жозиб.
Унда сен билмаган,
билолмаган Ҳис
туради қаршингда
қулочин ёзиб.

Симира-симира кетсангу ҳушдан
бағрига отилсанг
Ҳисларнинг.
Энг олий ишончу олий садоқат
қалбида бўлгандек
олис дўстларнинг,
гўё унда ниҳон
излаганларинг...

Шудгорлаган далалардан
келар ажиб бўй...

**АНДИЖОН ШЕВАСИНИ ҚУПОЛ ДЕГАН
ДЎСТИМГА ҲАЗИЛ**

Ширин эмас тилимиз,
«лар» қўшмаймиз ҳар сўзга.
Шу-чун дағал туюлар
гапирсак кўнглингизга.

Кўз қамашар, гангиймиз
зебу зийнат кўп жойда.
Сўз — келинчак эмас-ов,
ортиқ ҳашам не фойда.

Ұлтирмаймиз минғирлаб,
сўзлаймиз шартта-шартта.
Такрор бўлмайди, Сўз — ўқ.
Отилади бир марта.

«Йигит сўзидан...» деган
мақол асли бизгадир.
Имон, виждон қудрати
қалб кўзгуси — сўздадир.

Бобур айтгандек, тилим
«Қалам билан рост эрур».
Шунданмикин, билмадим,
бизда баландроқ ғурур.

Яккакифтлик бор бир оз,
боқишлар ҳам чапани.
Тўғриси, шоҳи эмас,
фикримизнинг чопони.

Сал дағалроқ, одмироқ,
яъни, айтсам, деҳқонча.
Шуни «танқид» қилгувчи
бу дунёда, эҳ, қанча.

Ноҳақлик бўлган жойда
елка қисиб, турмай лол,
ҳақиқатни шарт айтсак,
сас борича бемалол,

бақирик деб, қўпол деб,
ранжиб юрманг сира ҳам.
Матал бор: дўст ҳайқирар,
ялтоқланар муттаҳам...

Асли бу шеърдан мурод,
аччиқ-тизиқ, гинамас.

Даврани кенгроқ олиб,
кўнгилхушлик қилсак, бас.

«Қалблар, тиллар...» демоққа
ҳуқуқ йўқ. Дил буйруғи.
Бизда қалб, тилдан кўпмас,
биттадандир бор-йўғи.

Мана шундай, дўстларим,
энди маъзур тутарлар.
«Лар» керак бўлса, Қўқон,
Наманганга ўтарлар.

★ ★ ★

Ачинаман!
Сизга қийин!
Мисли кенгликдаги
ёлғиз оқ қайин,
ташланиб турсангиз
кўзларга яққол.
Ҳамма сизга интилса.
Пойингиздаги
майсалар мисол
ястаниб ётсалар
сизга термилиб...
Сиз бўлсангиз,
бир ўзингиз,
бўй чўзсангиз кўкка;
нимжон майсаларнинг,
нафис майсаларнинг,
андишали майсаларнинг
кучсиз елкасига
тираб оёқни.

Қандай даҳшат!
Чидаб бўлмас фожиа-ку, бу!
(Майсаларнинг ҳалокатимас,
сизнинг ҳолатингиз
фикрларга сиғмас
фожиа!)
Сезасизми?
Йўқ, сезмайсиз!
Шунинг учун ҳам
ачинаман ҳолингизга,
шуҳратпарастим!
Майсаларни ўз ҳолига қўйиб,
ўрмонларга кетинг!
Уларда
ўрмонийлик
ҳислари кучли,
албат кечирарлар
гуноҳингизни.
Она бағри бўлар Сизга
мана шу
бағри кенг ўрмонлар.
Ўрмонларга кетинг,
шўрлигим,
парчаламай туриб
сизни бўронлар...

Ачинаман...

КИТОБ, КИТОБ ЖОВОНИ ВА БЕВА АЁЛ

Классиклар қабри — бу жовон,
унда минглаб даҳо кўмилган.
Ётар олддан очару жувон
сирлашади биттаси билан.

Ҳар кун шундай,
етмас сўнгига.
хаёл тортиб, маъюс варақлар.
Тушларида эса янгидан
даҳоларнинг уйи ярақлар.

Ҳар кун шундай,
оттирару тонг
судралади хизматга гаранг.
То кечгача кетмас ёдидан
тушидаги афсонавий ранг.

Яна шундай.
Серсавлат жилдлар
навбатлашиб бўлар меҳмони.
Сугурилган тиш каби кемтик,
шўрликларнинг муқим макони.

Бошқачароқ бўлди бу кеча,
таниш классик-ла ётарди.
Жовондаги таҳқирланганлар
чидолмасдан шовқин кўтарди.

Ойналарини сиңдириб чил-чил,
ўзларини отдилар кўкка.
Ҳайрат билан,
минг ҳадик билан
босганича жилдни кўкракка,

жувон деразадан боқади —
исёнкорлар беркинган ёққа.
То тонггача юмолмайди кўз,
кишан жаранглари янграр қулоқда...

САРСОН ҚУМ

Ям-яшил водийнинг кафтида
тўлғанади эшилиб қумлик.
Эсдан чиққан
бу жой афтидан,
ё табиат синамоқ учун
қувлик қилган одамга,
қувлик.

Эрмакталаб телба довуллар
галвирлару шопирар шитоб.
Қийноқлардан аччиқ увиллар
фалакларга қилганча хитоб.

Икки ёқдан омбурдек қисар,
масофалар борар торайиб.
Самолётдан боқсангиз агар
бир нуқтада турар қорайиб.

Бир ҳамлада
қора нуқта ҳам
яшил либос кияр, шубҳасиз.
Сўнгги зарбни
лекин, дўстгинам,
бир муддатга кечиктирасиз.

Келавергач отини ниқтаб;
турли-туман ёввойи жонга,
қора нуқта,
шу қора нуқта
айлангандир сўнгги маконга.

Улар қайдан топарлар қўним,
тортиб олсак сўнгги маконни.
Ишимизни босқинга дўниб,
бошлаворар ҳақли исёни...

Ям-яшил водийнинг кафтида
сарсон-сарсон кезувчи қумлик
оромини бузмайлик ортиқ.
Яхши ният билан,
дўстгинам,
қилмайлик қувлик!

Х И Т О Б

Юрак,
нафасингдан сезяпман:
ўзгармоқда ҳолатинг секин.
Нурдек таранг ҳаёт йўлимни
қисқартириб босяпсан сокин.

Сўнгги нуқта!
Эртами-кечми
гумбазингдан таралар садо.
Ҳукмингни-да, турмасман кутиб,
мисли қаршингдаги оч гадо.

Сўнгги нуқта!..
Одамзод ҳеч он
ушбу сўзнинг эмас домида.
Ҳаёт деб аталган мўъжиза
мавжуд экан умр жомида,

шошқин дарёдаги қайиқдек
ўз қалбимни излаб чопаман.
Денгиз, саҳроданми
бир куни
мусаффо бағрини топаман.

Майдалашиб турмайлик бунда,
Юрак еткар унинг васлига.
Ҳаёт йўлларида чопмоқ, бу —
Қалбингни изламоқ аслида...

У Ф Қ

Уфқ ферузаранг, мусаффо, тоза.
Уфқ сийнасида қирмизи алвон.
Боғда япроқларга очгандай аза,
чумчуқлар гирён...

М А Қ Т О В

Мақтовларнинг қўйиб шотисин,
дастлаб томга чиқариб қўйдинг.
Қониқмадинг чоғи ундан ҳам,
баландроққа муносиб кўрдинг.

Тушунмадим.
Недир муддао.
Юрагингнинг очгил қатини.
Ўзинг қўйиб, оҳ, яна ўзинг
нега олиб қўйдинг шотини?

Сенга торлик қияптими ё
мен бор учун ердаги дунё?..

К Е Ч К У З

Дала четидаги бир жуфт чўкиртак
қора булутларга боқади қотиб.
Қишнинг қора элчиси — Қарға

менинг юрагимда ғазаб уйғотиб,
яланғоч шохларда чўзар кекиртақ.

Дала четидаги бир жуфт чўкиртақ
қора қарғаларга бўларкан қўноқ,
уятдан эгилиб кетади. Уятдан —
қорайиб кетади баҳорий куртақ.
Далалар юзига қарасин қандоқ!

Қора элчи қишни чорлайди. Ёвуз —
ниятти тутундек ўрлайди кўкка.
...Вўза учидаги оқ кўсак, бесўз —
совуқ ниятларга боқади тикка.

ҚУЗЛАРИНГ

Қўзларинг бор.
Қиёфангга мос тушмас кўзлар.
Яшаркан,
куйган тераклардек киприкларинг
исканжасида,
ёнгиси келади,
ловиллаб ёнгиси келади.
Қўзларинг устидан қошларинг
аёвсиз кулади.
Қўзларингнинг ҳайратларидан
юзинг бефарқ,
вужудинг бефарқ.
Ёлғиз сезар ўзин кўзларинг.
Олисларга кетгиси келар,
садоқатли кўзлардек у ҳам
кимнингдек кўзларин
кутгиси келар...

ЕМҒИРДАН СҮҢГ

1

Кезамаи.

Қишлоқнинг тор кўчаларида.

Ёмғирдан сўнг

тиниқлаша боради осмон.

Баҳорнинг ҳузурбахш кечаларида

узун тушлар кўриб ухлайди ёбон.

Лўли қулоғида ёнган балдоқдай

Ой терак учида туради қалқиб.

Шамолнинг нияти эса бошқача:

Ойни олма каби олмоқчи қоқиб...

ҲИСЛАР АЙЛАР...

Йироқлардан келар бир нидо,

Ҳислар ўзгартирар изини.

Шунда... ёзгинг келади.

Аммо

сўзлар яширади ўзини.

Сўз ортидан от қўясан жим.

Нозли қизга ўхшайди Сўзлар.

Қанча юрагингни этмагин сим-сим,

топилмайди у қочган излар...

Сўз васлига етганда охир,

ўзгаради аввалги излар.

Энди қанча ёнма,

ўртама бағир,

олиб қочар ўзини ҳислар...

Бир ноёб,
 Бир ширин,
 Бир эзгу
 қалб билан
 севгайман сени.
 Сенинг лабларингдан янграган кулгу
 бахтимдир менинг.
 Сенинг юзларингда порлаган офтоб
 бахтимдир менинг.
 Бу бахтни
 ёлғиз мен
 бир ноёб,
 бир ширин,
 бир эзгу,
 қалб билан
 сезгайман, гулим.
 Шу боис
 ўзгалар
 кўзларингдан,
 сўзларингдан
 сирли-сирли маънолар ахтариб
 турган онда ҳам
 Мен нафис қалбингнинг
 энг нозик,
 энг теран қатламларигача
 кирурман, эркам.
 Мен учун уйингнинг эмас,
 қалбингнинг эшиклари очиқ,
 қалбингнинг...
 Фуқаросиз юртга
 султон бўлган бир гадо мисол,

Фуқаросиз юрtda
достон бўлган
бир подшо мисол,
Сен бунёд айлаган,
лек ҳадя этмаган
исмсиз толега султон эрурман...
Сенинг ҳисларингни,
Сенинг юзларингни
асрамоқ учун,
нобакор кўзларингдан тутгувчи пинҳон —
бир макон излайман,
сўлим бир макон.
Токи ҳар қандай устомон
кимса ҳам ҳеч қачон,
излаб топа олмасин изларингни,
таъқиб эта олмасин: кўзларингни,
тўзғита олмасин гул ҳисларингни.
Эркам, мен уни топганман.
Мана, у — қалбим.
Қалбимнинг осмони,
қалбимнинг замини,
қалбимнинг ям-яшил чечаклари
сени авайлаб, сени асрагай..
Мана, қалбим осмонида
эркин-эркин қанот ёзмоғинг мумкин.
Қалбим тупроғида
шахдам-шахдам қадам отмоғинг
мумкин.
Қалбимнинг ям-яшил чечаклари
таратган ислардан
маст бўлиб,
Хаёлингда тикламоғинг мумкин
қутлуғ кунларингнинг оппоқ тонгини,
Эркам, сен қалбимда яралган янги
дунёнинг

Бахтли маликаси бўлиб қолмоғинг керак!
Бахтли маликаси...

Шундай бир ноёб,
бир эзгу, бир ширин
қалб билан севгайман сени!

ТУТЛАР

Яшиллик фаслига кирганда тутлар,
пайкаллар четида саф чекиб турар,
маъшуқа баҳорга чўзилган
нозик панжаларидан
айрилган қўллардек
асабий, мағрур...
Илиқ хона сўртакларида
дунё ишларидан беҳабар,
оқ баданли малика — қуртлар
бир танбаллик қамраб олган
иштаҳа билан
кўм-кўк панжаларни
кемирар...

КЕКСАЛИК

От кечувга тушиб сув ичар чоғда,
бу зилол кўзгуда кўрди баногоҳ
кўзларининг теграсида айланаётган
кексалик ҳалқаларини
«...Йўқ, мумкин эмас!»
Бирдан
олдинги туёғини дадил кўтариб,
бу зилол кўзгуни чилпарчин этди...

Такрор. Такрор. Такрор...
Шу ёвуз ҳаракат,
бўғиқ ҳайқириқ-ла
кўтарарди гўё
кексаликка қарши
буюк бир Исён...

* * *

Остонага бош қўйган кучук,
ислаб ётибсанми изларни?
Ўзинг-чун энг азиз изларни
истаб ётибсанми?
Айтгил, бу даргоҳда
мендан ўзга ҳам
қолдирганми
исларини,
изларини?

Остонага бош қўйган кучук,
туйдингми,
хонадаги Ойнинг
ой каби совуқлигин?
Туйдингми,
сенга эганг эмас,
мен ёвуқлигим?

Остонага бош қўйган кучук,
исларидан билурсан-ку,
инсонларнинг феъли, ўйин:
ўзингга отилган
хўрликни кўра туриб,
нечун кўзларингни
юмиб олдинг, оҳ!

Қани у сендаги ирсий Диёнат!
Ахир поймол этилди-ку
қутлуғ Садоқат!

Ялоқдаги ризқмас,
машъум Хиёнат —
кўзларингни алдамоқда ул.
Сенга нима керак бу остонада,
ризқни топмоқ мумкин
дала, ошхонаю қассобхонадан.
Эганг сендан қутилмак учун
адаштириб келди-ку букун,
...лек топиб келдинг.

Бошқа остонадан ризқ изламакка
йўл қўймади
ҳайвоний Ишонч,
ҳайвоний Садоқат,
ҳайвоний Бурчинг...
Йўл қўймади...

Остонага бош қўйган кучук,
илоҳий Севгингга, Садоқатингга
тош отди-ку
 ҳиссиз ул юрак.
Нечук жимсан, нечук?
Қани у сендаги ҳайвоний Исён?
Оҳ, бундай Садоқат нимага керак?
Суяк каби ғажиб ташлагил уни,
портлат кўксингдаги
Бурчинг сиртмоғида ётган
 Туйғуни!
Сенга нима керак?
Менинг-ку
ташлаб кетмоғимга
бу остонани,
йўл қўймади
Инсоний ишончим,

Инсоний садоқатим,
Илоҳий севгим...
Сенга нима керак!
Ризқми? Севгими?

Ожиз Тобеликнинг узиб занжинин,
кел, менинг кўксимга қўйгил бошингни,
кел, менинг кўксимга тўккил ёшингни.
Совуқ остонанинг соҳибин эмас,
вафоли юракнинг вафодори бўл.
Кел, менга ҳамкор бўл,
ҳам халоскор бўл,
ҳей вафодорим,
кўр бўлган Севгимизни,
кўр бўлган Ишончимизни
ҳалокатдан қутқармак учун
бу ҳиссиз даргоҳни
ташлаб кетамиз.

* * *

Кўзгу кўзгу бўлганидан хижолат.
Тили йўқдир унинг, юраги йўқдир
Нафратини этса ифода.

Кўзгу кўзгу бўлганидан хижолат,
Унинг юзи оқарган ўқдир,
Унинг фикри сукут имода.

Кўзгу кўзгу бўлганидан хижолат,
...Мана, қаршисида бир танноз,

унинг кўмагида
бошқа қиёфага кўчади:
унинг кўмагида
гўзаллик, соддалик ўчади.

Кўп нарсадан бўлару огоҳ,
лек нафрат гунг айлар Қўзгуни.
Қўзгу кўзгу бўлганиданмас,
ниқобларга гувоҳ бўлганин,
алдовлардан огоҳ бўлганин
айтолмагани-чун
тошларга уради
ўзини бир кун...

Қўзгу кўзгу бўлганидан хижолат...

Ч А В А Н Д О З

Отам
машҳур чавандоз бўлган.
Улоққа кирганда
самани билан
мадад бермак учун
олдинда
от чоптириб борар эди
йигитлар.
Аёллар
дурраларин отардилар
майдонга томон.
Биз гўдаклар эса
ҳаяжондан
киприкларда нам
қичқирардик:
— Отажоним,
Янаям илдам!..

Ана, чап ёнингизда
отлар келмоқда...
Бир қадамгина қолди.
Эҳ, бир қадам...
Қамчиланг,
қамчиланг,
қамчиланг...
Ниҳоят,
маррага элтганда
отам улоқни,
ўзга отлар
жой тополмай
қўярга ўзин,
кишнардилар
тешиб юборгудек қулоқни.
Наздимда,
отларнинг кўксида
бир ёниқ армон
ётарди пинҳон:
«Насиб бўлса эди,
шундай бир ўктам,
шундай бир кўркам
улоқчи билан
бир мартагина
кирмоқ майдонга...»

Чавандозлар эса
дердилар:
— Биз ҳам
шу арғумоқ тизгинига
қўл урмоқ бахти-ла
яшармиканмиз?..

Эҳ-ҳе, бу ўттиз йил
олдиндаги гап.

Бир пайтлар
улоқни қизитган тулпор,
ана, кўзларини
тикканча ерга,
ҳолсиз, бемадор
турибди мудраб.
Отам
ҳар куни
кекса саманини
силар меҳрибон
ва унсиз-унсиз
сирли сўзлар айтар
қулоқларига.
Эгар уриб
бедазорга
етаклаб чиқар,
қайтадан кирмоқни орзулагандек
ҳаётнинг
турфа хил улоқларига.

Отамнинг ёлғиз юпанчиги —
шу кекса тулпор.
Улар бир-бирига
Эртаклар сўзлашар
бесўз, безабон.
Гўё шу сассиз эртакда
қайтадан туғилар
ёшликдек беғубор,
ёшликдек сертуғён
ўттиз йил аввалги
жўшқин ҳаётнинг
ўтли лавҳаси...

Отам
машҳур чавандоз бўлган.

У яшарди,
 шаҳардан олис
 адирларнинг кўз соққасига
 жойлашган қишлоқда,
 Бобоси, Момоси билан.
 У яшарди,
 болалик сирларига тўла
 ўзининг беҳудуд самоси билан.
 У яшарди,
 олис-олисларда
 қад тиклаган
 шаҳарга бормоқлик
 ҳаваси билан
 У яшарди,
 севарди,
 қуёш чиқаётганда,
 қуёш чўкаётганда
 чўққидан
 уфққа термилмоқни жим.
 Қуёшнинг ботиши,
 осмоннинг зангори қаъридан
 юлдузларнинг
 узилган олмалардек
 ўзин отиши
 юрагига
 соларди ларза.
 Болани чорларди
 самолардан
 тўкилган ҳайрат.
 Болажон
 тонготар ёқларга,
 кунботар ёқларга

кетгиси келарди
бир ўзи...

Трассада
оқаётган автоларга
ҳаваси келиб,
қўлларини
силкитарди жим.
Қўксига сиғмаган ҳислари —
кўз ёшларни
силкитарди жим.
Автоларга
осилиб кетса,
самолётлар қанотига
қўнса қуш мисол,
кўз очиб-юмгунча
чироқлар порлаган
шаҳарнинг
турса остонасида.
Қўл чўзган чоғида
шаҳар дарвозаси
очилич кетса,
пешвоз чиқса
эртакдаги
ҳур соҳибжамол...
Болажон
олис шаҳарларга
кетгиси келарди.
Қани эди,
қирлар кузатиб қолса,
Майсаларин
силкитиб шодмон.
Қани эди,
Чинорлар
қўлларини узатиб қолса,
оқ фотиҳа берган Момосисимон.

Қани эди,
қадрдон ҳамроҳлари:
каптари, сигири, олапар ити
шу чўққидан туриб
хайрлашсалар...

Қани эди,
Бобосининг
ўралган саллаларидек,
ҳув чигал сўқмоқлар
етакласа
ўшал манзиллар томон.
Қани эди...

Мана шу чўққидан туриб
хайқирса сўнгги бор:
«Хайр менинг адиргинам —
тилсиз сирдошим!
Моможоним,
хуш қолинг Сиз ҳам!
Бобожоним!
Сиз куйлаган
достонлардаги
Ғиротларнинг
изидан кетдим!...»

Ишонаман!
Болажоннинг орзулари
ушалар бир кун.
Ёнаётган ҳислари билан
олиб кирар дадил,
шаҳарларнинг
гавжум бағрига
қишлоғининг
мусаффо ҳаволарини..
Бир бола яшайди,

адирларнинг кўз соққасига
жойлашган қишлоқда,
олис-олислардан
уни чорловчи
шаҳарга бормоқлик
ҳаваси билан...

* * *

Мен — жанглардан омон қайтган
ташна муҳаббатнинг
ўттиз йиллик ёлғиз меваси!

Ҳис этаман, ёлғиз мева бўлмоқ
севинчию изтиробини...

Ҳис этаман,
ёлғиз мева соҳибининг
шамолларга,
иссиқларга,
қуртларга,
япроқларга илтижосини,
Ҳис этаман...

Тунлар ой, юлдузлардан,
кундуз қуёш, тупроқ, шамоллардан
сўранаман
шиғил бўлсин, шиғил бўлсин,
шиғил бўлиб, шохларга тўлсин
муҳаббатим дарахтининг тар мевалари...

Мен — муҳаббатнинг ёлғиз меваси...



СУНГГИ КЕЧА

(Драматик достон)

Қатнашувчилар:

Заҳириддин Муҳаммад Бобур

Офтобачи

Хондамир

Моҳим

Руҳлар (Темур, Навоий)

Ҳумоюн

Али Сатранжий

Дарвиш

Савдогар, беклар, мулозимлар

1530 йил, Агра

Биринчи манзара

Боғи Нурафшон айвонида бемор Бобур ва Офтобачи.

О ф т о б а ч и

Олампаноҳ, не истайдур ташна кўнглингиз,
уч-тўрт кунки, маҳзун хаёл Сизни этмиш банд.
На қоғозга қўл урасиз ва на томоққа,
мунажжимдек, тунд фалакка термилганча жим,
юлдузлар-ла сирли-сирли суҳбат қурасиз...

Б о б у р

Бу оламга паноҳ бўла олмаганимдек,
олампаноҳ бўлолмади менга ҳам асло.
«Олампаноҳ» атамағил ҳаргиз, ёлборгум.
Оға дегил. Бизлар ахир оға-инидин
Вафолироқ жонлармиз-ку, бир-биримизга...
Саркаш, телба истакларим, дарвиш ўйларим,
саргардонлик саҳросига отди сени ҳам.
Мен туфайли нишон бўлдинг ёғий ўқига;
юзингдаги чандиқларга нигоҳим тушса,
юрагимда ўз-ўзимга нафрат туяман.
Қани эди, бу ярани сийму зар ила,
тожу тахтнинг қудрати-ла даволаб бўлса...
Тангри тақир пешонамга шоҳликни битиб,
э воҳ, тенгсиз адашувга йўл қўйган экан.
Ҳинд рожаси лутф этгандек, саркаш бошимга
ярашаркан тождин кўра дарвиш кулоҳи.
Бир ҳақиқат аён бўлди охир-оқибат:
шоҳлик — салтанатда ёлғиз ҳукмронликмас,
асли черигу бекларга тобелик экан.
Ҳукмронлик ниқобига пинҳон ўшал дард
жуда эрта вужудимдин олди қудратни.

О ф т о б а ч и

Ундоқ деманг. Бу хасталик ўткинчи, холос.
Иншоолло, дардингизга топурсиз шифо.
Ўзингизни асранг фақат. Ғашликни қувинг.
Қўнгилхушлик шифо бўлур бемор руҳига,
ажаб эрмас саҳфаларга тушган мисралар
ғам лашкарин суриб кетса, олампаноҳим.

Б о б у р

Яна шу сўз...

О ф т о б а ч и

Ўрганганмиз. Афву этурсиз...

Б о б у р

Мусиқадай ёқар эди менга ҳам бир пайт,
иштиёқ-ла, муҳаббат-ла тинглардим дилдан,
энди бўлса, эшитганда кўнглум айнийди.
Ул фурсатлар қудратлидим. Қиличим ила
титратурмен, тебратурмен дердим заминни.
Букун эрса тез сорғорган япроқ мисоли
ожиз-ожиз қалтираймен дард ҳамласидин...

(Сукут)

«Жисмимда иситма кунда маҳкум бўладур,
Кўздин ўчадир уйқу чу оқшам бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сайи бу ортадур ул кам бўладур».

О ф т о б а ч и

Кўнгул анорини ортиқ эзмоқ не учун?

Б о б у р

Минг бир дардга шифо дерлар унинг шарбати.

О ф т о б а ч и

(дуога қўл очиб)

Парвардигор умрингизни пойидор қилгай.

Б о б у р

Яшин каби келдиму тез зулмат жаҳонга,
шул тезликда тарк этурмен бари-барини.
Имонини пулга тиккан бекларга эмас,
ёлғиз сенга очмоқдамен, хотирдин ўзга
барча нарсалардин холи кўнгул қасримни.

(Сукут)

Ҳиндга қадар бир-бировни суяб келдик биз,
гоҳ ранжитдим, гоҳ кўнглингни чўқтирдим, бу — рoст
Лекин ҳеч бир сендин ғайри ният сезмадим.
Қанча дўстлар ёғийлашди, ҳатто қондошлар
Шайбонийдин паноҳ сўраб чопган чоғда ҳам
рўбарўмда турдинг дадил қайғудош бўлиб.
Сен мен учун юрт тимсоли, ватан тимсоли;
кўзларингга тикилганда, Андижонимни
кўргандайин севинчларга тўламен, иним.
Шу туфайли, юртга қайтиш иштиёқингни
рад этгандим. Бунинг учун ранжигандурсен.
Сенсиз яшаш бу юртларда, менга балиқнинг
қуруқликда қолганидек фоже ҳақиқат.

(Сукут)

Мана, ҳозир ором олиб ётмоғинг мумкин,
аллақачон рухсат этган эрдим, сен бўлсанг
бедаво дардимнинг ярмин бўлишмакчидай
атрофимда парвонасан... Лекин шу дамда
жигаримни чўқий-чўқий тугатаёзган
беклар пинҳон режаларин тузмакда, э воҳ,
Улар тонг-ла остонага бошини уриб,
«олампаноҳ» дея бошлар мадҳу санони.
Ҳа, уларга паноҳдурмен. Номимни сотиб,
юртни талар, бегуноҳни қатли ом айлар.

(Сукут)

«Не хуш мени хушлару не бегона,
Не ғайр ризо мендину не жонона.
Ҳар нечаки яхшилиқта қилсам афсун,
Халқ ичра ёмонлиқ била мен афсона».

О ф т о б а ч и

Барчаси ҳам бирдек эрмас.

Б о б у р

Гапинг ҳақ, илло
косадаги сувга томчи сиёҳ кифоя.

(Сукут)

Байда солган ўшал заҳар хонумонимга
чўғ ташлайдур, шул чўғ ила ёниб битурмен.

О ф т о б а ч и

Муолажа фойда берур. Дард берган тангрим
шифосин ҳам бандасидин тутмағай дариг.

Б о б у р

Ҳақиқатдек ўткир эрур ҳукми ажал ҳам,
қоча-қоча ва охири берурмиз бўйин.

О ф т о б а ч и

Нонкўр Байда, кас, мажусий, марҳаматингиз
соясида дор, сиртмоқдин халос бўлди-ю,
мунофиқлик режасини тузмиш пинҳона.
Сазовори жазо этмоқ шарт эрди ул кун,
токи ўзга кимсаларга бир мактаб бўлсун.
Сиз бўлсангиз, заҳар тутган малъун илкига
бол косани тутдингиз-а... Тушунолмаймен.

Б о б у р

Ёғий бўлдиб қасд этмади. Ваҳшийлаштиргон
фарзанд доғи. Ул касал-да, эрур бешифо.
Юрт султони паҳлавонин йўқотгач, унинг
вужудини, менинг каби олов чулғамиш.
Шул ҳақорат бора-бора қасос аталмиш
ҳадсиз довул тургузди-ю... мени йиқитди.
Биз — мусулмон элларида заифаларга
зулм ўтказиш қотилликдин минг қатла гуноҳ.
Яшинворий кўзларига боқаркан унинг,

волидаи муҳтарамам руҳи тикланди.
Хитоб қилди: «Оналарга тиф кўтарсанг гар
икки дунё сендин рози кетмасмен, ўғлим!»

(Сукут)

Қайтмадими Қобул кетган чопарлар?

О ф т о б а ч и

Иўқдур,
тонг-ла иншоолло, яхши хабар бўлғуси.

Б о б у р

(ўйчан)

Дақиқалар, дақиқалар. Йиллардек йироқ.
Вужудимни бетоқатлик ёндурур бисёр.
Шу аснода етиб келиб Ҳумоюн мирза
шўрлик бошин халос этса, халос этса тез,
гуноҳ қадар вазмин тортиб кетган бу тождин.

О ф т о б а ч и

Машаққатин тортган кўнгул лаззатидин ҳам
баҳра олмоқ шарафига доимо нойил.
Бобонгизнинг армонлари ушалди сизда;
елкангизга орзу қуши қўнмишдир, аммо
оғиз ошга текканида кўнгул не учун
яна кўҳна дарвишликни қолмишдир қўмсаб?

Б о б у р

Дил саҳнимда не исёнлар? Билурсен барин.
Ҳаётимнинг кундузини ёғийга қарши,
тунин эса ўз қалбим-ла жангда ўткардим.
Давр илкимга қилич тутди, қалб эса қалам,
икки кучнинг ўртасида қолдим талошда.
Эсингдами, бор эди-ку, Ҳисор тоғида
юпун ҳолда қор ўралар ичра ётган чоғ

бебақо тахт ташвишидин ўзни қутқориб,
дарвишлардек бошим олиб кетмоқ ниятим.
Қайтаргандинг. Қарор топди шул фикр охир.
Беш-ўн кунлик умр сўнгин қаршилай эмди,
вафодорим — қалам ила сирдош тутуниб.
«Вақоеъ»га сўнгги нуқта қўёлганим йўқ.
(Зотан, сўнгги нуқтани-да, қўя олмасмен).
Шум бўроннинг гирдобидида кетган саҳфасин
тикламоқлик орзуида яшамоқдамен.
Чала қолган ғазалларим кўзим ўнгида,
маҳбубадек кечалари қилур имолар.
Хаёлимда бир манзума битмак орзуси.
Навоийнинг «Фарҳод—Ширин» достони монанд
ҳикоятни обдан ўйлаб юрурдим. Уни
битмагунча қалбим таскин топмагай асло.
Ёдингдами, черикдаги ўзбек йигитин
ҳинду қизин муҳаббати асир этгани?!
Ўзим бошлиқ никоҳини ўқитган чоғим,
уламолар зимдин фитна қўзғотганди боз.
Икки элнинг қондошлигин кўзгуси дея,
ошиқ-маъшуқ қисматларин маснавий этмоқ
шиддатида яшайдурмен, азизим, билсанг.

(Сукут)

Булар менга умрбоқий фарзанд меҳрибон.
Туғилажак чечакларнинг муҳаббати-ла
шу боғчада, самарқандий кишмиш остида
андижоний ношпотунинг таъмини туйиб,
бирга-бирга осойишта кечирсак умр,
бизга Фирдавс тахтидин-да, аълороқ эрур.

(Сукут)

Зиммадаги ишни битдик баҳоли қудрат.
Энди эрса Ҳумоюнга йўл бермоқ даркор,
токи унда шоҳлик ҳисси пўртана уриб,
шаҳзодалар бошлаб берган овлоқда туриб,

отаси-ла бир нуқтада келмасин тўқнаш.
Унда ҳозир бисёр эрур муҳаббат, қудрат,
ўйлайменки юртга сергак шоҳ бўла олур.

(диққатини учган юлдуз тортади.)

Кўк саҳнини тарк айлаган юлдузни кўргил,
биз ҳам шундай, фурсат келиб, ўз-ўзимизни
янги, ёруғ юлдузларга берурмиз, албат.

Бу — ҳаётнинг қонунидир абадулабад!

Қимки қарши борур бўлса шармандаю хор,
эл олдида мазах бўлиб кетур рихлатга.

Шабада туради. Жамина дарёсининг шовуллаш-
лари қулоққа чалинади. Бобур ажиб бир сурур
билан борлиққа боқади.

Кўнглим ила Андижонга тортилган ришта
кундин-кунга таранглашиб борадур бисёр.

Тушларимга кириб чиқар отам арвоҳи
бетин чорлар ўз ёнига, мен эса, эвоҳ,
мижжа қоқмай кечалари юриб чиқамен.

«Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.

Келдим бу сари ўз ихтиёрим била,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур»,—
дейман-у, оҳ, оша борар юртга соғинчим.

Қани эрди, тахт ғамидин бўлсангу холис,
қаландардек ширдоғингни ташлаб елкангга,
бошинг етган бир сориға кетсанг пиёда.

Кириб борсанг ватанингга бедовруғ, бешон,
жувздонингни қўлтиғингга қисганча дадил.
Ўғлонига қучоқ очган мушфиқ онадек
бағрин очса юртинг, дўстинг, қадрдонларинг.
Зотан, шоҳни шундай кутиб олурларми, а?
Йўқ. Бариси маъжун кайфи, ҳажр истимаси.

О ф т о б а ч и

Одамзоднинг феълига хос, ўзга жаннатдин
ўз дўзахин аъло кўрур ҳар чоқ, ҳаммавақт.
Шу туфайли, талпинурмиз ҳаётмиз токим,
юртим дея кечалари ютурмиз афгон.
Юрт соғинчи, қалб исёни бизнинг қўлга-да,
қалам тутди, дил анорин шарбатларини
сиёҳ этиб кечалари битурмиз ашъор.
Қалбга назм чўғларини солган шухратмас,
балки соғинч ўти, юртга ортиқ ташналик.
Тарк айласа бизни ул ҳис, о, худовандо,
тириклайин мурда бўлиб қолганимиз шу!

Б о б у р

Фикрларинг шоирона теран ва зукко,
туб-тубини тинглар бўлсанг, ундаги афгон
Баҳри муҳит тўфонидек турғуси чунон.
Сезадурмен машқларингни, илло негадир
ўқимоққа чоғланмайсен ҳеч мажлисларда.
Кел, ўқиғил, ашъорларинг яра бағримга
малҳам бўлса, бир оз дарддин бўлурмен фориг.

О ф т о б а ч и

Машқи назмин ҳали жуда ғўр узумдекдур,
унга бисёр лозим эрур қуёш нурлари.

Б о б у р

Айтурларким, ашъорларим тўплаб, ўзингга
баёз тартиб этибдурсан, шул ҳақиқатми?

О ф т о б а ч и

Албат шундоқ. Бир умрлик мен учун ҳамроҳ
бўлиб қолур Сизнинг гўзал битикларингиз.

Иккинчи манзара

Бобур хаёл оғушида боғ кезмоқда. Хасталик
ўз кучини кўрсатган. Оғир-оғир нафас олади.

Б о б у р

«Дойи кор таъсирими, кўздин қочмиш хоб.
Сўнгсиз туш домига асир бемордек гаранг
не қиларим билолмасдин кезамен дилхун.
Чақасин йўқотган гадо монанд ер узра
ниманидур излайдурмен, топа олмасмен.
Йўқотганим нимадир ул? Олтинми, фурсат?
Олтинни ҳам топа олдим. Фурсат қўлидин
ушлай олдим мақсадимнинг сўқмоқларида.
Бобом Темур орзу этган улкан давлатни
чегаладим қиличимнинг қудрати ила.
Лекин қилич ҳақиқатдек кескир эмаскан;
ғазаб ила сермаганда, фурсат-бафурсат,
тегиб синди ҳақиқатнинг сўнгакларига.
Тиғим заҳа этган танни қаламим ила
шифоламоқ бўлдим, ҳаргиз уддалолмадим.
Нечун келдим Ҳинд мулкига? Излабми шуҳрат?
Мени бу ён етаклаган нимадир асли?
Қиличга қул бўлган шоҳлар бариси унут;
адлу инсоф водийсини пайҳон айлаган
кимсалардек башарият олдида шувут
бўлганини билардимунечун қилич-ла
дўст тутиниб, гирдобларнинг домида қолдим.
Мен қаёнга кетмоқдамен? Мақсадим нима?
Нечун бу юрт макон бўлди, бўлмади Ватан?
Нима етмас менинг юҳо қалбимга, нима?
Билолмаймен, билолмаймен, била олмаймен!

(Сукут)

Бу сўроқни ўзимга кеч бермадиммикин?
Зотан, нечун шул фурсатда ожиз фикримга
бундоқ ўйлар қалашмаси келмиш бостириб?»

Боғда Хондамир кўринади. Қўлида китоб.
Бобурга яқинлашади.

Х о н д а м и р

Афву этинг, фосиқлик-ла илҳом парисин
чўчитдимми?

Б о б у р

Марҳабо! Келинг, мавлоно?
Елғиз топиб қурғур саркаш хаёллар аста
ўз домига афсун ила тортмоқда эрди.
Ул макрнинг занжиридин этдингиз халос.
Бунча эрта кўзингиздин учмиш хоб қуши?

Х о н д а м и р

Тун сайрининг лаззати ҳам бунда ўзгача.
Бўза тусин олаётган тонгни қутламоқ
қиши руҳин енгил этур ҳамда сарафроз.
Хусусан, сен туни билан ноёб китобнинг
зиёсидин баҳра олгач, чиқсанг сайрга.

Б о б у р

Бўза тусли тонг! Чиройли ташбихдир. Кўпроқ
маснавийда қўлланилса кўп яхши бўлур.

(Сукут)

Бўза! Бўза! Бизлар уни унутдик тамом,
эл ичинда ҳатто олмас илкига ҳеч ким.

Х о н д а м и р

«Вақоеъ»да ўқиб эрдим. Сизнинг бу фармон
кўп ажойиб сифати-ла. қолур тарихда.

Шул ёшгача қанча султон, қанча шоҳ кўрдим,
лек ҳеч бири бундай гўзал фармон бермаган.
Султон Ҳусайн Бойқаро эрса сўнгги пайт
эс-ҳушини май измига топширган эрди.
Оқибатда, унинг ожиз ҳолатларидин
вазирлари фойдаланди. Юртни талади.
Қанча-қанча мушфиқларнинг олди бошини.
Беҳад зулм, олиқ-солиқ, отқин-босқинлар
улус сабр косасини топширди охир.
Оға бир ён, ини бир ён тўплабон черик
отасига томон келди тиг-ла бостириб.
Нима бўлди? Шухратпараст уч-тўрт шаҳзода
касри тутиб, улкан давлат бўлди чилпарчин.

Бобур хаёлга толади.

Б о б у р

(ўзига)

«Наҳот менинг зурёдим ҳам бир куни келиб,
Сўнгак каби юрт талашиб хору зор ўлса?!
Асло, бундоқ бўлмас, токи тирикмен, бунга
йўл қўймасмен. Агар шундай фарзанд тэпилса,
ўзим унинг жазосини берурмен, ўзим.
Мен етмаган адлу инсоф водийларига
фарзандларим етур деган каттакон умид
эртаю кеч юпатару кўнглимни ҳушлар.
Менинг ёлғиз суянганим шул эрур. Ул ҳам
қулар бўлса, бу дунёдин бўзлаб кетамен.
Адлу инсоф уларга ҳам бўлғуси дастур,
ахир улар менинг ўғлим — зурёдларим-ку!..»

Х о н д а м и р

Не хаёллар кўнглингизда қанотин қоқмиш?

О ф т о б а ч и

(эшитмагандек)

«Вақоеъ»дан сўзлайдурсиз чоғи, мавлоно?

Х о н д а м и р

Шундоқ, шундоқ... Якунига етмагунча то
ўзга ишга уннамадим, тотмадим намак.
Унинг сўлим, жимжимадин ҳоли жумласи
ҳайрат водийсига аста етаклаб кетди.
Ўзингизга сўз ғиштининг жилоларидин
абадийлик обидасин тиклабсиз адл.
Бу ноўрин лутфим учун афву этурсиз.
Таажжубки, «Вақоеъ»ни асло шоҳ эмас,
дарвиш шоир ёзган каби ҳақиқат сероб.

Б о б у р

Муаррихлар муболаға сўзларни бисёр
ишлатурлар, бундин сиз ҳам холимаскансиз.

Х о н д а м и р

Беайб парводигор дерлар. Лекин муаррих
қорани оқ деса, оқни қора деб, ҳақнинг
юзини бўяса, ҳайҳот, унинг ҳоли танг.

Б о б у р

«Вақоеъ»да бўш ўринлар, тахмин рақамлар,
яна қанча мавҳумотлар тўлиб ётибдур.
Қолган умрим ўшаларни тўлдирмак учун
ета олса, бу дунёдин кетурмен хушнуд.

Х о н д а м и р

Ахир офтоб чиққанида тикка найзага,
чўккан тошнинг тезлигида кетмагай ботиб.

Б о б у р

Ҳар неники уч нуқтаси бўлур, мавломо,
аввали-ю, тик чўққиси ҳамда якун.
Якун ели эшикларни қоқмоқда гоҳ-гоҳ.

Х о н д а м и р

Бу ўткинчи шабадага этмангиз парво,
Табиблар ҳам муолажа йўллари излар.

Б о б у р

Инсон борки, тўйдим демас ҳаёт суйига,
мен ҳам бундин тамом ҳоли эмасмен, аммо
ичидаги лаҳза чўғнинг қудрат, аъмолин
ёлғиз ўзим биладурмен.

Х о н д а м и р

Тангрим қўллагай.

Б о б у р

Хайр, майли, бу гапларга чек қўяйлик-да,
муддаога қайтайлик-чи, зора мавлоно,
Сизнинг фикр илкимга куч ато айласа.

Х о н д а м и р

«Вақоеъ»нинг ҳар жумлаи сўлим ғазалден
кўнгилларнинг водийсига бахш айлар сафо.
Гаҳ йиғладим, гаҳи кулдим, гаҳи ўринда
сўнгсиз хаёл уммонида ғаввосдек суздим.
Юз муаррих кучи етмас улкан юмушни
бир ўзингиз бажармишсиз. Бемуболағал

Бу битикни, жойиз бўлса, Мир Алишернинг
«Ҳамса»си-ла тенг қўюрдим. Улки назмда,
Сиз насрда туркий сўзнинг латофати-ю,
навосини кўрсатмишсиз етти иқлимга.
Мир кўнглида қотган армон, дард-аламларнинг
садоларин туйдим ушбу насру назмда.
Асрларки, бу жавоҳир илми бадеъда
муштарийдек кўнгилларга таратур нурлар.

(*Сукут*)

Айтмоқликка журъат этган фикрларимни
рақам этдим; ўқиюрсиз, лозим топсангиз.
Бобурга «Вақоеъ»ни тутади.

Б о б у р

Миннатдормен! Булар бари ижобат бўлғай,

Хондамир кетади. Бобур
китобни варақлаб қолади.

«Бу дунёда орттирганим гуноҳ-савобнинг
тарозуси эрур ушбу битик — китобим.
Унда менинг шиддатларим ва изтиробим,
унда менинг дарвишона кезишларим ҳам,
гоҳо тахтдин кўнгил совиб, бешишларим ҳам;
унда менинг чала қолган армонларимнинг
парча-парча лахтаклари топмишдир ошён.
Йиллар ўтар, турналардек кенг парвоз этиб,
мен етмаган ўлкаларга кириб борару
сўйлаб бергай шоҳ Бобурнинг юришларию
шоир Бобур юрагида қотган армондин...»

Учинчи манзара

Боғдаги айвонда Бобур ва Али Сатранжий.

Али

Шоҳ!

Бобур

Чекиндим!

Али

Бу ердин ҳам шоҳ!

Бобур

Ғолиб келдингиз.

Пинҳон қилган тулғамангиз ҳам, буронғор ҳам
жувонғорни гангитди-ку, таслим бўлмакдин
ўзга бирон чора-тадбир қолмабди, аттанг.
Мағлубият шоҳ айбими ёки черикнинг?
Ёки беку вазирларнинг фосиқлигими?

Али

Мағлубият ўзи биру айибдори кўп,
барчасин ҳам озми-кўпми улуши бордир.

Бобур

Бамисоли жангоҳ эрур сатранж тахтаси,
кашф айлаган ҳиндулар ҳам телба дунёнинг
сир-асрорин катакларга айламиш ниҳон.
Бу беҳисоб ақл шамсин қудрати гаҳи
ҳисобли катакка ҳукмин ўтказа олмас.

Али

Сатранж ўйинидин мақсад не деган сўроқ,
гоҳ тинчлик бермайди тафаккуримга.

Б о б у р

Бундин мурод черикларни банди банд айлаб,
шоҳни асир олмоқ фақат. Шундоқ эрмасми?
Шоҳ фарзиндек қоча билмас, қадами қисқа;
муҳтож эрур черигу бек ҳимоясига.
Не кенг майдон аро чопиб жанг қила олур,
бир чеккада кузатадур; гар ҳужум бўлса,
яшринмоқдин ўзга чора топа олмагай.
Бошдин тожни олиб қўйиб фикр айласанг,
эл шоҳгамас, шоҳ улусга яшаркан тобе.
Лекин тождор тан олмагай мутелигини,
ҳа, ҳа, мана шунда унинг подшоҳлиги ҳам.

А л и

Яна ўзга маъне бор бу ҳикмат ўйинда.

Б о б у р

Не маънидур?

А л и

Черикларнинг жангга кирмоқдин
муддаон ҳукмдорин ҳимоя қилмоқ.
Беподишоҳ бўлмагандек юрту салтанат,
бечерик ҳам яшай олмас бир лаҳза тождор.

Б о б у р

Бу ўйинда шоҳнинг пинҳон ғарибликлари
ошкор бўлур эркан андоқ фикр қилганга.
Шунданмикин, ҳужумларнинг айни мағизи
подшоларга қаратилган, тожларга эмас.

А л и

Маҳоратга боғлиқ. Шоҳнинг битта қадами
вазиятни ўзгартириб қўймоғи мумкин.

Жангоҳда шоҳ ҳамласимас, унинг ғурури
ҳал этади баъзан улкан талотумларни...
Шоҳсиз тож,— бу — қуруқ жездур.

Б о б у р

Тожсиз подшо-чи?

(Сукут)

Бир пайт менда на пойтахту на тож бор эди,
Уч юз чоғлиқ юпун, ғариб черикдин ўзга
на суянган тоғим бор-ди, на юрту қалъам.
Бир кун беклар черик аро фитна кўтариб,
жуда-жуда танг аҳволга солиб қўйганди.
Шунда илк бор ўзни ғариб, нотавон сезиб,
ҳатто пинҳон оқизгандим ашки селобни.
Сўнг бошимни олиб кетмоқ фикрида қолдим.
Йўл қўймади садоқатли бегу черигим,
курашларга сиз-ла бирга кирурмиз, деди.
Шул сўз қалбга қувват бўлди. Тафаккуримда
чироғ бўлиб порлади-ю, шул ёруғлик-да,
мулки ҳиндга қадар келдим...

А л и

Ҳақиқатпарвар

шоҳлар ичра подшодурсиз, бемуболаға!
Сўзингиздин шул маънени уқдимки, шоҳим,
улус учун тож, бу — юртнинг ички қуёши.

Б о б у р

Тўғри сифат. Лек қуёшга тик боқиш била
басир бўлиб қолишлик ҳам ҳеч гап эмасдур.
Олис-олислардин боқсанг тожу қуёшга
жилваси-ла кўзларингни хўп яшнатадур.

(Сукут)

Фарзин ўрнин босиши менга сипоҳнинг
муаммолар даричасин очиб бергандай.
Сипоҳдин чиққан фарзин ҳам тўғри йўл қолиб,
эгри йўлдин ҳужум бошлар ёғийга зимдин.
Ҳа, мавлоно, сатранж эрмак ўйини эмас,
унда олам чигаллари қалашиб ётар.
Ёруғ дунё ишларидин ҳориб, толганда,
тахт аро бошлагаймиз иккинчи жангни.

Офтобачи яқинлашади.

О ф т о б а ч и

Улуғ шоҳим, арқ олдида мажруҳ девона
кутар илтифотингизни.

Б о б у р

Недур муроди?

О ф т о б а ч и

Сизни кўрмоқ муҳаббати кучлимиш унда.

Б о б у р

Ажаб, дарвинш шоҳ васлининг орзумандидур?!
Айтғил, кирсин.

О ф т о б а ч и

Бош устига.

Офтобачи чиқади. Оний сукунат.

А л и

Жосус бўлмасун!

Иброҳимнинг хуни олмоқ ғаразидаги
тайёрланган навбатдаги фитна эмасму?

Б о б у р

Подшоҳга ҳам, гадога ҳам бир ўлим бордур,
кимга даркор ундин қочиб яшаш лаззати.

Ёғий бўлса жазо олур, гар ғариб бўлса,
кўнглин хушлаб жўнатурмиз, токи дарвиш ҳам
биздин ранжиб остонадин кетмасун ҳаргиз.

А л и

Адлу инсоф кўчасини этсангиз обод,
улус Сизни қобоғида кўтаргай абад.

Б о б у р

Адлу инсоф! Бу ҳам инсбий тушунча экан.
Салтанатни яратгунча қанча жонларин
қон қақшатдим, юртдин этдим тамом бадарға.
Ўзимиз-чи, ота юртни ёғийга бериб,
ўзга юртда ёғий бўлиб топибмиз макон.

Мажруҳ дарвиш яқинлашади. Тиз чўкиб
Бобур пешидан ўпади, кўзига суртади.

Д а р в и ш

(ашула бошлайди)

Андижонда ўт ёқсам,
Ушда тутун, ёр-ёр,
Бу дунёда бормикин
бағри бутун, ёр-ёр.
Бу дунёда бор бўлса,
бағри бутун, ёр-ёр,
Қогоздан қозон ясай,
гулдан ўтни, ёр-ёр...

Б о б у р

Дўст пиёда, бормусен, иним. Нечук бу ҳол?!
Нечук энди дарвишликни этдинг ихтиёр.
Панипатда сени шаҳид ўлди деган гап
қўшин аро кенг тарқалмиш ўшал дамларда.

Шундин кейин аза очдик сенга саройда
ва номингга ғойибона ўқитдик хутба.

(Алига)

Тангри таоллонинг кўринг иноятини,
қаршимизда турур «шаҳид» юртдошим.

Иккаласи қучоқ очиб кўришишади.
Кўзларда ёш. Ажиб бир сукунат.

Д а р в и ш

Ўзга юртда шоҳ нима-ю, дарвиш нимадир,
иккисининг қисматида битта чизги бор.
Сиз шоҳликни танлаганда, биз бечоралар
ёмонмидир дарвишликни этсак ихтиёр.
Битта шоҳга доимо тор келган салтанат
тумонат дарвишларга кенг бошпана бўлгай

Б о б у р

Нечун исминг пинҳон тутдинг?

Д а р в и ш

Ўз ўлимини

аллақачон эл лафзидин эшитган эрдим.
Мулозимнинг сўзларига ишонмай шоҳим,
рад этмасин дедим сўнгги илтимосимни.

Б о б у р

Не муддао сени бунда етаклаб келмиш,
айтғил, жондин ўзгасини топурман, иним.

Д а р в и ш

(Ҳазил билан)

Мажруҳ таним ўрнига соғ тан бергайсиз,
десам агар, қандоқ бўлур? Бажарурсизми?

Б о б у р

Биламенки, шоҳга бўлган ишқ, садоқатинг
мажруҳ этмиш. Эвазига ҳатто ўз илким,
наки илким, балки жоним ҳадя этурмен.

Д а р в и ш

Асло, асло ундоқ деманг, биз қулингизмиз,
пешонага битганини барини кўрдик.

Д а р в и ш

(*Сукут*)

Ушга қайтсам, Муҳтождурмен мададингизга,
Лутфингизни аямангиз мендек ғарибдин.

Неча йилким мажруҳдирмен, сипоҳийликка
ярамасмен. Гадоликда кун ўткарурмен.

Б о б у р

Келсанг, эрди, сенга маош этурдик тайин.

Д а р в и ш

Иўл қўймади сипоҳийлик ғурурим асло.

(*Сукут*)

Қоним оқди, ўтди умрим ўзга юртларда,
энди жисмим ўз юртимда ломакон бўлсун.
Қирқдин ошиб кетибменки, қилмадим рўзғор,
Зор-зор қақшаб қолган маҳбубамнинг ҳурмати,
қолган умрим ўтказайин юртнинг бағрида;
Ушал олис муҳаббатим хаёли билан.

Б о б у р

Эркин қушсен. Қанотингдин тутиб қолмаслар,
дил қўмсаган томонингга учмоғинг мумкин.
Э воҳ, биз-чи, қандоқ этак силкиб кетурмиз,
тожу тахт деб аталғувчи тилло кишандин.

Майли, борғил, орзуингга тангри ёр бўлғай,
майин-майин сабосига кўксингни очиб,
тўйиб-тўйиб нафас олғил она кентингда.
Ўзга юртда дўст аталган кимсалардан-да,
юртингдаги ёғий эрур бир оз яқинроқ.

(Алига қараб)

Ўйлайменки, бул ғаройиб фикру сўзларим
Сатранжийни ранжитмагай. Тушунгай бизни.

А л и

Шоҳим, биз ҳам бу юртларга келгиндидурмиз,
паноҳ топдик қанотингиз остидин, шукур.

Д а р в и ш

Эшитдимки, Андижондин келмишдир карвон,
шулар ила бирга кетсам, карвонбошига
топширсангиз мени шоҳим...

Б о б у р

Майли, хоҳишинг.
Офтобачига айт, чорлаб келсин меҳмонни.

Дарвиш чиқади. Бобур ўйга толади.

Сизки сатранж ўйини-ла, биз-чи, назм-ла
кўнглимизга таскин бериб, кимгадир илҳақ,
йўқ, кимгамас, нимагадир интизор бўлиб,
ўтқарибмиз шуъла каби бетин умрни.
Менки шоҳмен. Қўлим чўзсам етур оламга.
Хазинамнинг бир четида ётган Кўҳинор
бори тилсим, мушкулларнинг очгай қулфини.
Минг афсуским, ҳатто оддий шу сипоҳийчалик
дилимизда юртимизга меҳр йўқ экан.
«Анда жон» деб афғон чекиб яшабмизму воҳ,
«ҳайт» деб пешни силкитганча чиқиб кетишга
журъат топа олмабмиз-а, ўзимизга ҳеч.

Улар биздин минг чандонроқ ботир ва ўктам.
Улар биздин минг чандонроқ юртга меҳрибон.
Оддийгина дарвишона илтижоларнинг
садолари кетмас мангу қулоқларимдин.

А л и

Шоҳ бўлибмас, шоир бўлиб дарвиш оҳини
тингладингиз, шу туфайли қалб торингизнинг
нозик-нозик пардаларин титратгани рост.

Б о б у р

Қандоқ унинг ғамин бефарқ тингламоқ мумкин,
Ҳатто Сиз ҳам титрадингиз сўйлаётганда.

(Сукут)

Бир пайт шоҳлик шоирликдин келганди устун,
кеч бўлса-да, кажрафторнинг айланиб чархи,
қалам тигни этмоқдадир кун-бакун мағлуб.

Офтобачи, Дарвиш, савдогар киради.

С а в д о г а р

Подшоҳим, афву этинг, келибмиз бевақт.

Б о б у р

Сиз эмас, биз пешвоз чиқиб кутиб олурдик.
Юртдошларнинг дийдорига тўймоқлик бир бор
чўлда қултум сув топгандек ганжинаи бахт.

С а в д о г а р

Амрингизга тайёр эрур қулингиз ҳар чоқ.

Б о б у р

Андижонда не вақоеъ?

С а в д о г а р

Сизни кутади.

Улоқ каби талошларда қолмиш юртимиз.

Б о б у р

Наҳот қочоқ фарзандини ёдласа мард эл?!

С а в д о г а р

Бу оллоҳнинг ҳукми эрур, бизки бандалар
унинг амри фармонига доимо шаймиз.

Б о б у р

Не орзулар, не савдолар ила келдингиз?

С а в д о г а р

Улуғ шоҳнинг нозик таъби банораснимас,
Андижоннинг қовуни-ю, Қува анорин —
шарбатларин хуш кўрурлар деб эшитмишдик.
Неъматлардин насиба деб келтирдик, шоҳим!

Б о б у р

Андижоннинг қай кентидин бўлурсиз, иним?

С а в д о г а р

Хоқон мавзеидин.

Б о б у р

Яхши билурмен. Ҳа, ҳа,
хўп ажойиб меваси-ла машҳури олам.
Шафтолуси, ҳусайниси, босволдилари
минг бир дардга шифо эрур. Шундай эмасми?

Суҳбат аҳли Бобур фикрларини қувватлайдилар.

С а в д о г а р

Ҳинду афғон тупроғида Сиз барпо этган
боғу роғлар қолишмагай бизнинг боғлардин.

Б о б у р

Илкимиздин келганича уриниб кўрдик.
Дилимизда ният бисёр эди, уларни
ўринлатиб етказмоқни ниҳоясига
Фарзандларнинг зиммасига юклаяжакмиз.

Офтобачи чопон келтиради.
Бобур савдогарга кийдиради.

С а в д о г а р

Давлатингиз бундин кучли, зиёда бўлғай,
Адлу инсоф осмонида чўлпон юлдуздек
порлаб турсин то мангуга ёруғ дунёда.

Б о б у р

Чорламоқдин мурод, сиз-ла кўришмак дийдор,
юрт ҳолидин воқиф бўлмак ҳам ёнимдаги
инимизни сизга лутфан топширмоқ эрур.
Биз-ла бирга чекди қувғин, саргардонликни;
жанггоҳларда ғолибият тиғи кўтариб,
қанча-қанча ёғийларнинг берди додини.
Жасоратин бизлар дуруст қадрлолмадик,
ғариб кўнглин кулбасини ёритолмадик.
Бу беш кунлик умр сўнгин ўз кулбасида
кутмоқликни қўмсаб букун келмиш ёнимга.
Курраи заминнинг бешдин бирин олиб, лек
дўст кўнглини овлолмаган шоҳ илтижосин
бажарурсиз, дейман, менинг азиз ҳамюртим.

С а в д о г а р

Бош устига.

Д а р в и ш

Шоҳим, дунё тургунча туринг.

С а в д о г а р

Сиз шоирсиз, бу дунёда энг қутлуғ нарса
она тупроқ, адашмасам...
Бобур қўлига халта тутеди.

Б о б у р

Минг-минг офарин.
Севинчимни айлай қандай ифода?! Қуллуқ.
Қуллуқ, қуллуқ...

Кўзига суртади, ислайди, йиғлайди.

Андижоннинг ислари келмиш.

(Алига)

Мана эмди муродимнинг илки ушалди,
шул мўъжиза дардларига бўлғуси шифо,
менга эмди даркор эмас, табиб доруси,
даркор эмас сархуш айлагувчи маъжун ҳам.
Кафтимдаги қўнғир тусли шу азиз тупроқ
менга Каъба, жаннат суйи, кўнгил шифоси.
Эмди бун ислаб-ислаб қилурмен роҳат...

С а в д о г а р

Шоҳим, Сизни толиқтириб қўйдик чоғи биз,
ором олинг... Дилингизни бўшатмак учун
танҳо қолиб суҳбат қуринг хоки туроб-ла.

Б о б у р

Дўстни кўриб, Сизни кўруб унутдим дардни.
Ҳеч хижолат чекманг. Қолинг бу кеч саройда.
Қуллуқ. Тонг-ла карвон била йўлга чиқурмиз.
Ҳамроҳларга севинчимни етказай тезроқ.

Б о б у р

(Офтобачига)

Юртдошларни хушнуд айла. Манзилгоҳига
зориқмасдин, толиқмасдин етиб олсинлар
ва айтғилки, тезроқ топиб лашкарбошини,
тоғдин ўтиб олгунича карвон бехатар,
уч юз черик қурол ила кузатиб қўйсин.

(Сукут)

Сизки бизни донишмандлар монанд ушбу дам,
дил малҳами — тупроқ ила хушнуд этдингиз.
Ўз юртига талпинғувчи юракларнинг ҳам
мўъжазгина савголарин этгайсиз қабул.

Тартиб этилган девон ва «Воқоеъ»ни
савдогарга тутади.
Савдогар тиз чўкиб қабул қилади, ўпади.

Ўзга юртда орттирганим — шул битикларим
етиб борса Андижону Самарқанд, Шошга,
шулдир менинг Ватанимга етиб борганим.

Офтобачи, дарвиш бош эгадилар.

(Дарвишга)

Жисман мажруҳ қуш эсанг-да, қалбан мағрурсен,
баланд олғил парвозингни турналар монанд.
Бизга армон бўлган юртга сен етиб бору
юртдошларинг соғинчини топширгил омон.
Тангри сенга мадад бергай, қутлуғ ниятли
орзуларнинг парвозлари юксакдир мудом.

Тўртинчи манзара

Бобур хобхонада хаёл огушида.

Б о б у р

(Ўзига)

«Қизик, аввал шул юлдузлар кўп шўхчан эди,
чақалоқдек қийқиришиб қулоқларимга;
ёнаётган юрагини очарди дангал.
Бу шом эса маъюслашиб қолибдир андак,
нигоҳида ҳали инсон англаб етмаган
сирли-сирли ўкинч, алам, надоматлар бор.

(Юлдузларга хитобан)

«Ҳей, юлдузлар — дарддошларим сизда не ўкинч?
Нечун маҳзун термиласиз бевалар мисол?
Наҳот сиз ҳам инсон каби тўймасдин зарга,
курашларда ўзингизни этдингиз абгор.
Айтинг, сизнинг севинчингиз устига қайғу
кулларини сепган ким у?

Наҳот сизлар ҳам

Инсонлардек фитна, иғво ила машғулсиз?..»

Темур руҳи пайдо бўлади.

Р у ҳ

Кўз ўнгингда ёнаётган юлдузлар эмас,
боболарнинг руҳи эрур, улар-ла сирлаш.

Б о б у р

Ким бўлурсиз? Фариштами?

Р у ҳ

Бобонг Темурмен!

Бобо!..

Нечук ачинурсен ўтган умрингга?
От изини той босадир, деганларидек,
яратганим — сўқмоқларни этдинг нурафшон.
Англаб бўлмас ниятларим англадинг ўзинг.
Оғир-оғир хатоларим тузатдинг ўзинг.
Вайрон бўлган иморатни тикладинг қайта,
энди уни сақлаб қолмоқ ва авлодларга
етказмоқлик ворисларнинг фикрига боғлиқ.
Ана шундай, умр асли сўнгсиз йўл эрур,
сен тўхтаган манзиллардин ўзга авлодлар —
йўлларингни бошлаб кетар, токи улар ҳам
ётгунича тангри айтган манзилгоҳига.
Бунинг учун ачинмоқлик тамом бефойда.

(Сукут)

Исфиҳонинг камситмағил, қилич туфайли
шон-шуҳратнинг осмонида сармассан букун.
Қалам эса кўнгил торин бўшата борар,
бул фазилат тождор учун фақат ожизлик.
Фикрларим исботига бошингдин кечган
қисматларнинг ҳалқасидин тортмоқ кифоя.
Кўп бекларга шоҳ бўлибсан, дўстдек ёндашдинг,
сўзларига инондингу алданиб қолдинг.
Улар сенинг қалбинг, шеъринг ортидин эмас,
қиличингнинг қудратидин тикланган тахтнинг
орқасидин ризқ ахтариб келган кимсалар.
Агар ризқдин маҳрум этсанг уларни шу он,
сенга томон ташланади бамисоли сак.
Фитналарни қалам эмас, тиф бостира олган.
Салтанатнинг қонуни — бу. Кимки бузаркан,

демак, ёғний қаршисинда ғариб ва муъте.
Ожизларни ёмон кўрар тожу тахт мудом.

(Сукут)

Шоир бўлиб қалбга йўл топ, шоҳ бўлиб эса
салтанатни олма каби ўйнат кифтингда.
Иккисини тенг қўймасанг икки паллага
мувозанат бузиладир...

(Сукут)

Ҳа, сенда бир оз,
салтанатга бефарқ қараш кучаймоқда боз...

Б о б у р

Адашдимми? Қай нуқтада?

Р у ҳ

Биргина тангри
адашмағай, бандаларга-чи, адашмоқлик
фазилатдир.

Б о б у р

Хатолардин иборат ҳаёт,
деган қадим ҳикматларнинг мағзи тўқ экан.

Р у ҳ

Сабоқ бўлди хатоларим сенга шубҳасиз.
Демак, нуқсон, адашувинг ворисларингга
ибрат бўлур; улар ўзга сўқмоқдин кетур.

Б о б у р

Оталарнинг ютуғию хатоларини
тўғри англаб, мушоҳада айлаган ворис
силсиланинг давомчиси бўлур ҳаққоний.

(Ўзига)

«Қимга дилдин инонмоғим керак тож-тахтни,
ўғлонларим ворисликни айларми бажо?
Чўнг, залворли кошонанинг пойдеворига
асос солдим, гар сўнгига етказолмасам,
ким еткарур? Ҳумоюнми ёки бошқаси?
Тўнғичимни қайтиб берди парвардигорим,
тонг-ла унинг қўндиргумдир бошига тожни.
Ул тушунур черик не-ю, улус нимадир,
ул тушунур отасининг армонларини.
Унда гурур ҳам муҳаббат, меҳр ёнма-ён,
Фозилона фикрлари бор унинг бисёр...»

Р у ҳ

Сезадурмен ташвишнамо хаёлларингни,
бир замонлар мен ҳам шундай ҳолга тушганмен.
Васиятлар қилган эдим, худди сен каби
тузукларда қолдиргандим ниятларимни.
Лек қабримнинг тупроқлари совимай ҳатто,
анор каби парча-парча айлаб юборди,
зарралардин тиклаганим кўшкни ворислар
ва ниҳоят парвардигор гўдак қалбингга
яшинворий армонларим чўғин ташлади...

Б о б у р

Чегалаган бўлсам ўшал парчин косанинг
ҳеч бўлмаса бирон ярмин, унда розимен
қуюн каби «ҳайё-ҳайт», деб кечган умримдин.

Р у ҳ

Сенинг чеганг абадиймас, болам, ҳеч қачон,
адоватлар парчинлайди уни ҳам албат.
Шунда яна ўт юракли паҳлавон чиқиб,
айлантирар тарих чархин замон юзига...

(Сукут)

Фақат улкан ҚУДРАТгина ёғий ҳамласин
қайтарару элатига берар омонлик.
Ниятларим ўзга эди — қон тўкиш эмас,
каллалардин миноралар тикламоқ ҳаммас,
тиғ зарбидин парчинланган сўнгакларни, оҳ,
жарроҳ каби бирлаштирсам дегандим фақат.
Қани, айт-чи, мажруҳ тана ярарми корга?
Йўқ, албатта. Шунинг учун ҳам сарҳадларнинг
масофасин кенгроқ олдим; фикримга қарши —
бош кўтарган каззобларнинг бердим додини.
Шунда улкан хатоларга йўл қўйдим, бу — рост.
Такрор айтгум, ниятларим қон тўкиш эмас,
юртни бутун ва осойишта кўрмоқ-ди холос.

(Сукут)

Шундин буён маломатлар ботқоғидамен.
Шажарамнинг ичида сен тушундинг, менинг
ниятимни, нуқсонимни, армонларимни..
Хайр, майли, салтанатинг барқарор ўлсин,
ворисларинг ниятингга мададкор ўлсин.

Руҳ ғойиб бўлади.

Б о б у р

Бобогинам!.. Қайдин келиб, қайга сингди ул?
Нечун энди юрагини очолмай кетди?
Нималардир демоқчийди. Нима эди ул?
Наҳот руҳ ҳам ҳисларини оча олмас кенг?!
Бобомнингки, юрагида шунча ғам, ўкинч,
Бобомнингки, қийнаб ўтмиш беҳудуд армон,
демак, менинг изтиробим одатий бир ҳол..
Бу дунёда беармонлар ичра беармон —
бўлса, ўшал ёлғиз Бобом, дея ўйлардим.
Бу дунёнинг армонлари унда экани
ҳофизамнинг кенглигига сиғмаган экан.

Бунча орзу, бунча армон, бунча аламнинг
юкларини кўтаролган юракка балли...

Навоний руҳи пайдо бўлади.

Б о б у р

Бу ким? Устод Навонийми? Ё раббий. Қандоқ —
ҳинд кўкида мисли қуёш порлаб турибди.

(*Ҳайрат билан*)

Ассалом, мавлоно!

Р у ҳ

Ассалом!

Б о б у р

Орзум эрди

сиз-ла суҳбат қурмоқ Ҳиротда, устод.
Афсусларким, васлингизга етмоқни танграм
кўп кўрди-ю, қисмат тошин ҳинд сори отди.

Р у ҳ

Бизлар жисман учрашмасак-да, руҳан яқин:
маслагимиз, мақсадимиз илдизлари бор.
Улуспарвар, адолатли подшо бўлмоқни
кўкалдошим — Бойқародин кутгандим, лекин
кайфу сафо, фитна, игво мисли қурт бўлиб,
унинг фикрат дарахтини чиритди обдон.

Б о б у р

Темурийлар чинорининг бир улкан шохи
синиб тушди, лек туғилди бошқа новдаси.

Р у ҳ

Унинг улкан япроқлари Хуросондамас,
ҳинд мулкида яшнамоқда барқ уриб дуркун.

Б о б у р

Яшнамоқда... Ўз юртида топганда камол
дуркун-дуркун ўсармиди бундан-да, балки?!
Бир рубой ўқиб эрдим девонингизда,
сўнгги дамлар такрор-такрор ёдимга тушар:
«Гурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.»
Чангалзорнинг тиконлари заҳрин бол билган
булбул каби талпинурмен ошиёнимға.
Чил-чил этиб салтанатнинг қафасларини
турналарнинг карвонига бориб қўшилсам.

Р у ҳ

Бу бир хаёл, бу бир рўё, аждодларингиз
олдидаги муқаддас бурч бермагай изн.
Маҳзунликнинг ридосини ташлангу этиб,
шоирона нигоҳ билан боқинг борлиққа.
Ахир сизда кўрдим орзум чечакларини,
сизда кўрдим адолатнинг куртакларини.
Искандарий фазилатлар — илм уммонин
тубларига интилмоқни ғаввосдек дадил
сизда кўрдим...

Б о б у р

Муболаға эмасми бир оз?..

Н а в о и й

Асло! Ёлғон мақтов айтиш одатим эмас,
дил сўзларин қиёслар-ла ифода этмоқ
назм аҳлига хос фазилат эрур-ку, Мирза!
Авлодларга сизнинг шоҳлик қудратингизмас,
илми тарих, илми фалак, илми жонзоту

илми назм, илми фикрат, илми ҳарбдаги
кўп бетакрор каломингиз етиб боргуси.

(Сукут)

Ҳа, дарвоқе, муддаоим шаҳзодаларнинг
нуқсонларин айтмоқ эмас, мақтамоқ ҳаммас,
зотан, улар ҳатосига бир Бойқаромас,
қисман мен ҳам сабабкормен; газак вақтида
муолажа қилинмади, охир-оқибат
тарқаб кетди иллатлари бутун баданга...

(Сукут)

Кўнглингизда бир ташвиш бор — кўзларингиздин
сезмоқдамен; иншоолло, ворисларингиз
тож-тахт учун бир-бирининг тўкмагай қонин.
Кўҳна тарих сабоқлари уларга дастур
сиз яратган боғу роғу, арку саройга
жило берур, обод этур, асло бузмагай.

Б о б у р

Айтганингиз келсин, устод, йўқса дунёдин
икки дастим очиқ кетур, чирқираб руҳим.

Р у ҳ

Ҳумоюнда Фарҳодимнинг қалбини туйдим;
ул арманда адлу инсоф уруғин сепса,
бул ҳиндуда тинчлик учун кўтармиш қалқон.
Назокатли шаҳзодадур, ишқу шаробдин
ўзни тутди — берилмади ишрат сеҳрига.
Бул фазилат айни менинг армоним эди.

Б о б у р

Илми ҳарбда тенгсиз эрур, лек назми таъбда
андак бўшроқ, битганлари хўб, гўзал эрмас.

Р у ҳ

Чунки Сиздек ул ҳам сира тушмади отдин,
ҳарбу зарб-ла навқиронлик ёшига етди.
Сизда эса тигу қалам келди бақамти;
эл лафзига назм тилин этдингиз яқин.
Темурийлар феълига хос назму тож ўтин
бир юракка жойламоқлик санъати Сизда
жуда гўзал, жуда дилбар ўрнини топмиш —
зеро, унинг зарралари валлиаҳдларнинг
қалбларига кўчган бўлса, шунинг ўзи — бахт.

(Сукут)

Тамом мени асир этмиш сеҳри назмингиз.
Эслайсизми, Самарқандни олган чоғингиз
нома йўллаб фақир кўнглим этгандингиз шод?..

Б о б у р

Эслайдурмен, қандоқ ёддин чиқариб бўлур,
ғалабанинг нашъаси-ла ўтқарган кунни.
Ўшал оқшом бир ғазални битқариб тўла,
ҳукмингизга йўллагандим, лек шодликнинг
умри қисқа бўлди, фалак айландию терс
саргардонлик саҳросида кездик дарбадар.
Мадад ипи — мактубингиз ола олмадим,
фикрингизни, амрингизни била олмадим.
Сўнгроқ эса ташриф этдим Ватанингизга,
мадраса-ю, боғингизнинг бўлдим меҳмони.
Изларингиз қолган йўлга қўйдим бошимни,
миноралардин, чинорлардин, тоғлардин сўрдим,
улар мунгли термилдилар, кечикдинг дея.

(Сукут)

Учқур қушнинг қўш қаноти бўлсак иккимиз,
бир нуқтага жо этурдик темурийларни
ва Шайбоқнинг зарбаларин этиб чилпарчин,

ғолибият байроғини кўтарардик тик.
Бизни тангри яратди-ю, қисмат шамоли
икки ёнга суриб кетди, ҳайҳот, бешафқат.

Р у ҳ

Воз кечмоқчи бўласизу шоҳликдин, лекин
қалбингизни туб-тубида зўр шиддат ётар.
Ушал шиддат била яна назм туйғуси
жанггоҳ этган нафис кўнгил ошёнингизни.

Б о б у р

(ҳайратда)

Бул таскинлар не сирлардин эрур нишона?
Нечук букун ғариб хаёл осмонларига
икки юлдуз ташриф этиб келмиш ғойибдин?
Нимадир ул? Алаҳсираш ёки бир тушми?
Нимадир ул? Қўксимдаги чўғ қудратими?
Нечун аввал руҳлар ила сирлашолмадим?
Ёки фурсат топмадимми, ёки шуҳратнинг
Гулдуриси қулоғимни қилгани-чун ганг
алломалар нидосини тинглолмадимми?..

Бешинчи манзара

Бобур тахтда. Ёнида Моҳим.

Б о б у р

Чорламоқдин мурод ушбу: тахт тасарруфин
Ҳумоюнга инонсаму мен фориг бўлсам.
Биргина ул синовларнинг чиғириғидин
омон чиқиб, кўрсатолди ўзини одил,

М о ҳ и м

Мирзам, ахир гўдак-ку, ул, улкан кемага
моҳир дарга бўлаолмас, ҳаргиз қийнаманг.
Ёнингизда қанот бўлиб юрса розимен,
лек шоҳликка ҳали эрта. Мурғак бошнинг
маломатлар ёрмоғини истамагаймен.

Ижобатга олиб тангри илтижоингиз,
оҳ, бизларга гўр оғзидин қайтиб берди-ку,
нечун яна қийнагайсиз, эркин қуш бўлиб
давлатингиз осмонда айласин парвоз.

Б о б у р

Гўдак дейсан. Шаҳзоданинг гўдаги бўлмас,
қисматига битилса гар, бешигидаёқ
унга тожни кийдирару кутар амрин эл.
Шаҳзоданинг зиммасида подишодин кам
масъулият юки бўлмас, ўғлонларимнинг
барчасига шул алфозда бердим тарбият.
Токи улар шуҳрат шамсин зиёларидин
ёки давлат ташвишидин йўқотиб ўзни
салтанатни харобага айлантирмасин.

М о ҳ и м

Илтижом: ёш жонига жабр айламангиз.

Б о б у р

Ёдингдами, Ҳумоюним таваллудиди,
илк мартаба ўзни подшоҳ атаган эдим.
Яна бир бор темурийлар одатига зид,
тирикликда, ўз дастим-ла, ўз хоҳишим-ла
тожу тахтни топширмоқни этдим ихтиёр.

М о ҳ и м

Дард бергувчи шифосин ҳам тутмағай дариг,
ранжимангиз, мана, бизга берсин илоҳим.

Улус учун, давлат учун Сиз — порлоқ қуёш.
Қуёш эса сўним билмас...

Б о б у р

Ҳам тиним билмас.

Бул юмушлар тинкасини қуритар бир кун...

М о ҳ и м

Фикрингиздин воқифмидир Ҳумоюн мирза?

Б о б у р

Йўқ! Аминмен отасининг амри-фармонин
Қабул этгай...

М о ҳ и м

Инонмаймен.

Б о б у р

Ажаб, не учун?

М о ҳ и м

Сизга бўлган муҳаббати, меҳри туфайли.

Б о б у р

Уйлайсенки, сендин ортиқ севолмағаймен!
Янглишасен. Қанча дарддош, фикрдош бўлиб,
қалб оламим ҳануз сенга мубҳам экан-да...

М о ҳ и м

Ҳумоюним дийдориға тўёлмаймен ҳеч;
ҳали ул юрт, ҳали бул юрт беку хонларин
исёнларин бостирмоқ-ла шўрлик овора.

Б о б у р

Валлиаҳд учун даркор эди буларнинг бари.

М о ҳ и м

Ҳумоюн тахт илинжида давлат ишларин
ўринлатиб юргани йўқ. Ёмон кўргай ул
тахт важҳидин падарини бадном айлаган
шаҳзодаларни... Ҳали эрта салтанатга...

Б о б у р

Тушунғил-да, ўз хоҳишу ихтиёрим-ла
тожу тахтни топширурмен; токи тирикмен,
не маслаҳат, мажлис бўлса ўтмағай менсиз.
Фақат бир оз холи бўлиб тахт ташвишидин,
қаламимнинг илтимосин бажо айласам...

М о ҳ и м

Қандоқ қабул айлар сарой, элу юрт?

Б о б у р

Фармон
шаҳзода-ю, фуқарога қонундир қатъий.

Офтобачи пайдо бўлади.

О ф т о б а ч и

Подшоҳим, жам бўлдилар аркони давлат.

Б о б у р

Ҳумоюн ҳам шул ердами? Кирсинлар бари.

Офтобачи уларни чорлайди. Ҳумоюн ва бошқа
аъёнлар кириб келади. «Шоҳимизнинг умри узоқ,
саломат бўлғай», дея таъзим қиладилар.
Ҳумоюн тиз чўкиб, Бобур пешини ўпади.

Ҳ у м о ю н

Валинеъмат, чорламишсиз...

Б о б у р
Саломатмусен.

Ҳ у м о ю н

Шукр!

Б о б у р
Хасталиқға бўйин берсанг...

Б о ҳ у м о ю н

Турфа хил
иқлимларнинг таъсиридур, ўтиб кетғуси.
Ўзингиз-чи? Тангрим бизнинг толеимизга,
салтанатнинг толеига умри узоқлик,
саломатлик бахш айласун, дуомиз шул.
Ҳинду муслим дардкаш бўлиб, сарой табибин
хуш каломин кўтар илҳақ, интизор бўлиб.

Б о б у р
Подшоҳин севган элнинг пешонасига
тангри толе неъматларин айласин эҳсон.

(Сукут)

Келди эмди ҳинду муслим еру элининг
ташнализин адлу инсоф зилоли ила
қондирмоққа бел боғламоқ навбати сенга!
Ният ушбу: ўғлим, кўзим тириклигида
подшоҳлик ишларингни кўрсам, қувонсам.

Ҳ у м о ю н

Бузрукворим, кечиргайсиз гуноҳлигим-чун,
жуда эрта чоғи тахтга бўлмоққа эга,
Билмаганим — муаммолар, мушукуллар бисёр.

(Сукут)

Тождор бўлмоқ — шоҳлик эмас. Унинг турфа хил
сиёқлари борким, унга этмасдин амал,
муддаога етиб бўлмас, ҳа, етиб бўлмас.
Тайёр таом келганида баковул бўлмоқ
ярашмағай бобурийлар авлодиға ҳеч.
Тож даъвоси ҳисси ила яшаган бўлсам,
сўнгаларим оёқларнинг остида синсун.
Қиблагоҳим, ранжитмангиз мен — қулингизни,
Бул салтанат Сизнинг эрур, шундоқ қолғуси.

Б о б у р

Эртами-кеч ўлтиурсен — қонуни азал!
Ҳукмронлар ёш-кексага ажратилмағай.
Ҳукми олий унинг экан, демак, ул улуг!
Тожпарасту давлатпараст шаҳзодалардек
бир чеккада пусиб, фитна тошин отмасдин,
отанг учун, бутунлиги учун бул тахтнинг
қанча-қанча ўлимларга боқиб келдинг тик.
Тож кетидин от сурмадинг, лекин тож сени
излаб топди; албат унга муносибдурсен,
Сенга неки ниятим бор, не маслаҳатим,
«Мубаййин»да, «Вақоеъ»да битмишмен тўқис.
Дастур бўлса, ибрат бўлса ажабмас улар.
Қанотингга олғил албат жигарларингни,
улар сенга таянч бўлсун, мададкор бўлсун.
Улар сен-ла иттифоқдир — ҳар қандай ёғий
қалқонингни найзаси-ла теша олмағай.
Фурсат етиб, сен ҳам мендек ихтиёринг-ла
валлиаҳдингга умид била кийдиргил тожни.

Офтобачига имо қилади. Фармон ўқилади.

О ф т о б а ч и

Менки, улуг мамлакатнинг подшоҳи Заҳириддин
Муҳаммад Бобур Мирза отим, шуни маълум қиламенки,
шу сониядин эътиборан салтанат тасарруфини ўз

ихтиёру истагим ила валлиаҳдим — ўғлим Ҳумоюн
Мирзаға топширурмен. Унинг барча фармонлари наки
беку ақрабоға, черигу улусға, балки менга ҳам
вожибдир...»

Бобур бошидаги тожни олиб, Ҳумоюнга кийгазади.
Жонланиш.

Б о б у р

(Моҳимга)

Қара, қандай ярашибдир. Сен бўлсанг уни
бола дейсан...

М о ҳ и м

Фарзанд доим волида учун
мурғак эрур.

Б о б у р

Оталарга суянч тоғидир.
Агар тоғлар сарбаланддир, фалак ҳам юксак.

М о ҳ и м

Юксак тоғнинг толенга бор бўлсин замин.

Б о б у р

(Ҳумоюнга)

Сезурмисен, тожу давлат қўнди-ю, бошға
юрагинга ҳукмин ўқиб турибди ҳозир.
Қўтармоғинг шартдир эмди инжиқликларин.

(Аркони давлатга)

Юртимизнинг подшоҳи Ҳумоюн мирза
амрин вожиб билиб шул дақиқадин,

менга қилган садоқату хизматингизни
дариф тутманг, азиз беку ақраболарим.
Неки қутлуғ нияти бор, Сизлар туфайли
ўринлатур. Ёлғиз отнинг чиқмағай донғи.

Аркони давлат Ҳумоюнга таъзим қилади,
қутлайди, олқишлайди.

Эмди, ўғлим, ҳаялламай, хутбани ўқит,
сўнг юмушга кириш, давлат подшоҳнингмас,
шоҳ давлатни етаклагай зафарлар сари.

Ҳ у м о ю н

Азиз падар, ишончингиз оқламоқ учун
борлиғимни бахш этурмен эмди бул корга.
Аммо сизсиз сўқир каби қолгум адашиб,
сарҳад билмас салтанатнинг сўқмоқларида.
Мададингиз, ўгитингиз мен-чун ҳаводек
зарур эрур, бусиз ният бўлмағай восил.

Б о б у р

Ҳумоюнсен — ҳумо бўлиб қўнгил тахтингга.

Ҳумоюн ва барча аркони давлат чиқади.
Бобур, Моҳим ва Офтобачи қолади.

Қара, Моҳим, тож кимларга бахш этмас қудрат,
қадамларин зарбасидин титрамоқда арк.
Келган чоғда маъюс эрди, кўп мунглиғ эрди,
эмди бўлса, паҳлавондек... Кўз тегмасин-ей...

(Сукут)

Тож ортидин келган, кетди тож орқасидин.
Бир-бировга суянч бўлиб қолган юраклар

қолдик, мана; тўлқинларнинг изидин боққан
қоялардек бир чеккада масрур ва мағрур.

(Офтобачига)

Мисли қушдек сезмоқдамен, қизиқ, ўзимни,
оҳ, бунчалар вазминмиди ялтираган тож.
Эмди ғариб дарвишлардек хилватхонада
кун ўткарсак, токи бизнинг қулоғимизни
ноғоралар дабдабаси қилмасун батанг.
Жувздонни олайлик-чи, эмди бизларга
подишоҳлар ичра шоҳдир мана шу матоҳ...

МУНДАРИЖА

*«Ўтиб юртнинг қанча бекатларидан»	5
*Оқ тонглар отар	6
*Севгилим. : :	6
*Хона. : : :	7
*«Юртнинг кабирлари» : : : : :	8
*Даврада : :	10
*Ўттиз етти : :	11
*«Суйганим — кўзларинг...»	11
*«Ҳур қиз...» : : : : :	12
*Мен туғилган қишлоқ ,	15
*Илтижо : : : :	16
*Сени ардоқлагим. ,	17
*Бир-биримизни севамиз.	18
*Ҳатто : : : : :	19
*«Ақл қолиб...» : : :	20
*Чўлпон : : : : : : :	20
*Сурбетга.	23
*Қўй, оғайни...» ,	23
*Она тилидан қўшимча дарс	23
*«Еллар уйғонади...»	24
*Зардобини ичурман	25
*Манзара	26
*«Ойга боқдим...»	26
*Сен кетган йўллар.	27

*Катта қорлар	: : : : :	28
*Маслаҳат		28
*Шамнинг ёруғига		29
*Тураверсанг		30
*Илдизга айланди		30
*Бўрондан кейинги шабада.		31
*Армонимнинг тутқини		31
*Сени куйламоқ учун		32
*Ожизлик		32
*Илтижо		32
*Кутиш		33
*Андиша.		33
*Гулим		34
*Қизлар		35
*Такрор		35
*Юсуф	: : :	36
*Сизга.		37
*Тилинг		38
*Ҳақиқат		39
*Сўзнинг муқаддаслиги ҳақида Ойбек ўйлари.		40
*Байрамга ошиққан		43
*Мерган.		44
*Қим у.	: :	44
*Қимнинг замони		44
*Сиз ютдингиз		44
*Ҳорижда		46
*«Алдама...»		48
*«Сиз мисли офтоб...».		48
*«Гапга тутар...»		49
*«Ойнага...»		50
*Мослашув		50
*Кеч куз. Туман.		51
*Манзара		51
*Ташвиш		52

*Мақол	52
*Ҳақиқатнинг ёши	52
*Сабр	53
*Чеварамга	54
*Дўстим деган сўз	56
*Яго	59
*Муҳаббат шеваси.	61
*Мени ўйлама	62
*Изоҳ	: : 63
*Мураккаб одам.	: 64
*Ўзбекистон далаларига.	64
*Мен дарахтман...»	65
*Қушча.	66
*Бола...»	: : 67
*«Аста...»	67
*Тонгда...»	68
*«Оққушгинам...»	68
*«Сиз мени кечиринг...»	69
*Биринчи курс талабаларига адабиётшуносликдан	
Якуний дарс	70
*«Ҳақ эгилар, синмас...»	73
*От.	: 74
*«Битиб кетди...»	74
*«Неки бўлди...»	74
*Ғаройиб туш	75
*Рўбарўмда.	76
*Тутқунлик	77
*Мижгов иқрори.	78
*Қўз юмиб.	78
*Муаллақман	79
*Бу ўт.	80
*Кетаман.	81
*Қўзлар	82
*Қолди	83

*«Мунис иболарни...»	: 83
*Тўйда...»	: 84
*«Гўдак исларига...»	85
*Деҳқон ҳаётига чизгилар	86
*«Тунги...»	: 92
*Иқбол.	93
*Шудгорланган...».	94
*Андижон шевасини қўпол деган дўстимга ҳазил .	94
*Ачинаман.	96
*«Китоб, китоб жовони ва бева аёл.	97
*Сарсонқум	99
*Хитоб	100
*Уфқ.	101
*Мақтов.	: : 101
Кеч куз	: : 101
*Кўзларинг	102
*Емғирдан сўнг.	103
*Ҳислар айлар	103
«Бир ноёб...»	: 104
Тутлар	: 106
Кексалик	106
«Остонага...»	: 107
«Кўзгу...»	109
Чавандоз	110
Орзу	113
Мен	: 116
*Сўнгги кеча (Драматик дoston).	117

* (С) Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-
риёти, 1989 й.

Литературно-художественное издание

Исмаил Тулаков

ЗЕЛЕНый ВЕТЕРОК

С т и х и

Художник Х. Худойбердиев

Ташкент,

Издательство литературы и искусства

им. Г. Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадий нашр

Исмоил Тўлаков

ЯШИЛ САБО

Ш е ъ р л а р

Редактор *А. Қутбиддинов*

Расмлар редактори *А. Мамажонов*

Техн. редактор *Р. Рахматуллина*

Корректор *У. Сайдуллаев*

ИБ № 401

Босмахонага берилди 4.04.89. Босишга рухсат этилди
6.07.89. Р—10661. Формати 70×90¹/₃₂. Босмахона қоғози
№ 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л.
6,14. Шартли кр.-оттиск 6,14. Нашр л. 6,25. Тиражи 10000.

Заказ 74. Баҳоси 90 т.

Шартнома 201—88

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чи-
қариш бирлашмасининг 2-босмахонаси, 702800, Янгийўл ш.,
Самарқанд кўчаси, 44.

Тўлаков, Исмоил.

Яшил сабо: Шеърлар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1989.— 168 б., [1] в. портр.

Исмоил Тўлаков шеърлари фикр ранг-баранглигига, қарама-қарши талқинларга, шиддатли хулосаларга қурилган. Шоир ўз ўқувчисини юзма-юз мулоқотга чақиради. У билан ҳаёт ва замон хусусида баҳсга киришади. Ушбу китобга асосан ана шундай шиддатли, мулоқот йўналишидаги шеърлар киритилди.

Тулаков, Исмаил. Зеленый ветерок:
Стихи.